

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 7 октябрь, № 206 (9101) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИСМОИЛ ЖЎРАБЕКОВ ОИЛАСИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРИЛДИ

**Атоқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков жорий йил 28 сентябрь куни вафот этган эди.**

Президент Шавкат Мирзиёев таъзияли хонадонга ташриф буюрди. Қуръон тиловат қилиниб, дуо ўқилди.

Давлатимиз раҳбари марҳумнинг эзгу ишларини, Ватанимизга хизматларини ёдга олди.

Исмоил Жўрабеков 1931 йил 12 сентябрда Самарқанд шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Меҳнат фаолияти давомида сув хўжалиги соҳасида масъул лавозимларда меҳнат қилиб, республикамизда ирригация ва мелиорация соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. 1985 йилда Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Мустақиллик йилларида И. Жўрабеков Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Давлат сув назорати бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси лавозимларида ҳам самарали фаолият олиб борди.

Сўнгги йилларда И. Жўрабеков мўътабар ёшда бўлишига қарамасдан Сув хўжалиги вазирининг маслаҳатчиси сифатида хизмат қилиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этди.

Давлат ва жамоат арбобининг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, у "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор" фахрий унвони ҳамда давлатимизнинг бир қатор юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Давлатимиз раҳбари марҳумнинг фарзандлари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, сабр-тоқат тилади. Улар Президентимизга ташрифи ва далда сўзлари учун миннатдорлик билдирди.

# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш ҳамда уларни иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга кенг жорий этиш юзасидан тақдимот билан танишди.**

Бугунги кунда дунёда сунъий интеллект технологиялари иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва бошқа муҳим йўналишларда асосий воситалардан бирига айланмоқда. Сунъий интеллект технологиялари давлат бошқарувида самарадорликни ошириш, ресурслардан тежамкор фойдаланиш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу соҳада тизимли ислоҳотлар амалга оширилиб, мамлакатимиз сунъий интеллектни татбиқ этиш бўйича халқаро рейтингда 17 поғона юқорилади. Ҳозирда Ўзбекистон 188 давлат ичида 70-ўринни, Марказий Осиё бўйича эса биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу натижалар соҳада қўйилган илк қадамлар самарасидир, аммо олдинда ҳали кўп иш турибди. Шу мақсадда ўтган йили Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси қабул қилинди ва Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида махсус марказ ташкил этилди.

Тақдимотда соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда сунъий интеллект лойиҳаларини жорий этиш мақсадида 50 миллион доллар маблағ ажратилган. Соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, экология ва молия соҳаларини қамраб олган 86 та лойиҳа шакллантирилди. Ҳозирда сунъий интеллектни қўллаш учун зарур ҳисоблаш имкониятларини яратиш мақсадида "суперкомпьютер кластери"ни ташкил этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

— Сунъий интеллектни тезроқ ривожлантириш учун доимий равишда илғор, ўзини оқлаган хорижий ва маҳаллий тажрибаларни ўрганиб бориш зарур. Бунинг учун соҳада самарали фаолият юритаётган ватандошларимиз, хорижий экспертлар ва хусусий сектор билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Тақдимотда сунъий интеллект соҳасида замонавий ҳисоблаш қувватларини ўзимизда яратиш, маълумотлар марказларини қуриш ва бунга инвестиция киритмоқчи бўлган тадбиркорлар учун жозибадор муҳитни таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Сунъий интеллектни ривожлантиришда энг муҳим омил — малакали кадрлар тайёрлаш. Бу ишларни мактаблардан бошлаш, информатика ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, янги авлод дарсликларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Соҳада кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда. "Бир миллион сунъий интеллект етакчилари" миллий дастури доирасида ёшлар учун "aistudy.uz" ва "omp.aistudy.uz" платформалари ишга туширилди, уларда СИ бўйича 5 та бепул онлайн ўқув дастури йўлга қўйилган. Дастур доирасида 2027 йилга қадар 1 миллион нафар ёш сунъий интеллект соҳасидаги билим ва кўникмаларга эга бўлади.

Ёшларнинг истиқболли лойиҳаларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш учун барча ҳудудларда Сунъий интеллект хакатони йўлга қўйилади. Шу кунларда Нукус шаҳрида соғлиқни сақлаш бўйича "HealthTech AI Hackathon" мусобақаси муваффақиятли ўтказилди. Бу тажрибани кенгайтириб, таълим, суд тизими, сув хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларида ҳам ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Президентимиз тақдимот қилинган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаб, уларни сунъий интеллектни жорий этишни янада жадаллаштириш, илғор тажрибани амалиётга татбиқ этиш, соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан амалий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.**

Габала халқаро аэропортида Ўзбекистон етакчисини Озарбайжон маданият вазири Одил Каримли, Габала тумани ижро ҳокимияти раҳбари Сабуҳи Абдуллаев ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ташриф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари 7 октябрь куни Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг расмий тадбирларида иштирок этади.

**ЎзА.**

Ўзбекистон — ТДТ:

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти саммити тадбирларида иштирок этиш учун Габала шаҳрига ташриф буюрди.*

## Биз ва жаҳон

Жойлашуви, тарихан ўзаро яқинлиги ва ресурсларига кўра, тараққиётнинг янги босқичида ўта муҳим ҳамкорлик майдони сифатида Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) нуфузи кун сайин ортиб бормоқда. Бир вақтнинг ўзида, ТДТ унга аъзо мамлакатларда истиқомат қилувчи халқларнинг ҳам маданий жиҳатдан яқинлашувида муҳим кўприк вазифасини ўтамоқда.

Бинобарин, ташкилотнинг ўзаро тенг ҳуқуқлилик ва манфаатдорлик, ички ишларга аралашмаслик ва мустақиллик, мамлакатлар суверенитетини ҳурмат қилиш каби ўта муҳим омилларни ўзида акс эттириши кенг эътироф топмоқда.

Туркий давлатлар ташкилотига бешта мамлакат — Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон аъзо ҳисобланади. Венгрия, Туркманистон ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ушбу тузилмада кузатувчи мақомига эга.

Туркий давлатлар ташкилотининг амалдаги номи Ўзбекистон Президенти таклифи билан 2021 йил 12 ноябрда татбиқ этилган. Бундан аввал эса тузилма Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан юритилган.

Ташкилотнинг асосий мақсади — қардош давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Ушбу мақсадни илгари суришнинг концептуал асоси 2021 йилнинг ноябрь ойида Истанбул шаҳрида давлат раҳбарларининг 8-саммити якунлари бўйича қабул қилинган "Туркий нигоҳ — 2040" дастуридир.

➡ 2

**Анжуман**

# «SIRCON-2025»

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университетида бўлиб ўтган "Бир макон, бир йўл: барқарор "яшил" иқтисодиёт, минтақавий ривожланиш, таълим ва маданий мерос" мавзуидаги "SIRCON-2025" халқаро конгрессида иштирок этди.*

Анжуманда Туркия, Польша, Македониянинг етакчи олий таълим масканлари ҳамда Ўзбекистоннинг илмий муассасалари вакиллари қатнашди.

Очилиш маросимида сўзга чиққан сенатор мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, "яшил иқтисодиёт" тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда барқарор ривожланиш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида ўз фикрини билдирди.

Тадбир иштирокчилари ўз чиқишларида Буюк Ипак йўли тамаддунининг тарихий, маданий ва илмий меросини ўрганиш, шунингдек, барқарор ривожланиш, "яшил" иқтисодиёт ва таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш муҳимлигига эътибор қаратди.

Конгресс доирасида панель сессиялар, давра суҳбатлари ҳамда халқаро таълим ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган учрашувлар ўтказилди.

**«Халқ сўзи».**

**Сенатор ва ҳаёт**

# Замонавий хиёбон қачон барпо этилади?

*Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш объектларини сақлаш, айрим саноат корхоналари ва бошқа объектларни шаҳар ташқарисига кўчириш орқали пойтахт экологиясига бўлган босимни пасайтириш ва аҳоли учун қулай яшаш шароитларини яратиш чоралари кўрилмоқда.*

Хусусан, давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш, Тошкент шаҳрида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида 2018 йил 22 март куни Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши қабул қилинган.

➡ 2

**Сиёсий партиялар фракцияларида**

# МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, шу жумладан, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.*

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида дастлаб Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар ушбу тарихий нутқ Ўзбекистоннинг глобал ва минтақавий масалаларда фаол иштирокини намоён қилганини эътироф этиб, илгари сурилган ташаббуслар халқаро ҳамжамият учун тинчлик, барқарор ривожланиш ва экологик муаммоларга ечим топишда муҳим қадам бўлишини таъкидлади.

Йиғилишда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланишга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Бу билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда товарлар (ишлар, хизматлар) ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланишига ва (ёки) реализациясига аралашганлик ёхуд тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижарачиси ижарага олиш шартномаси бўйича ўзига ижарага берилган икки ёки ундан ортиқ ер участкаларидан бири ёки бир нечтаси бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиши (қисман қайта ижарага бериши) мумкинлигини назарда тутувчи қўшимчалар киритиляпти.

Лойиҳада фермер хўжалиги раҳбари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмайдиган ишга қабул қилинган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ўз оила аъзоларидан бирига қонунчиликка мувофиқ ижара шартномаси амалда бўладиган муддатга беришга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилмоқда.

➡ 3




**Ибратли ташаббус**

# Тошкент вилояти камбағаллик, ишсизлик ва ҳуқуқбузарликдан холи ҳудудга айланади

*Мустақиллик даври тарихига назар ташласак, ҳар бир йил ўз ютуқ ва камчиликлари билан тарихга муҳрланганига, бироқ сўнгги тўққиз йилда ислоҳотлар суръати жадал тус олиб, салмоқли натижаларга эришилганига гувоҳ бўламиз. Бу даврда мамлакатимиз ривожланишнинг янги босқичига ўтди — ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди.*

Айни чоғда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар шиддати сусайгани йўқ. Муаммоларга тик қараш ва уларга конструктив ечимлар топиш, бу борада ҳамжиҳатликни таъминлаш ҳаётимиз мазмунига айланиб бормоқда. Буни Тошкент вилояти мисолида ҳам кўрса бўлади.

Куни кеча Нурафшон шаҳрида бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги XX сессиясида муҳокама қилинган масалалар, айниқса, вилоят ҳокими, сенатор Зойир Мирзаевнинг 2023 — 2025 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлили ҳамда келгуси устувор вазифалар юзасидан вилоят аҳолисига мурожаатида келтириб ўтилган фактлар ва истиқболдаги режалар ҳудудда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг натижалари ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилади.

➡ 4

## Ўзбекистон — ТДТ:

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

←1

2019 йилда Туркий давлатлар ташкилотига қўшилган Ўзбекистон учун ушбу тузилмада иштирок этиш нафақат иқтисодий ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш, балки туркий дунёнинг умумий маданий ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

2022-2023 йилларда Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига раислик қилди. Раислик 2022 йилнинг ноябрь ойида "Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари" шиори остида ташкил этилган Самарқанд саммити билан бошланди.

Бу даврда юздан ортиқ тадбирлар ўтказилди, амалий ҳамкорлик учун қатор янги платформалар яратилди. Қайд этиш керакки, Ўзбекистон ўз раислиги пайтида очиқлик, инклюзивликка асосланган ҳамда турли минтақалар ва цивилизацияларни ўз ичига олувчи ҳамкорликнинг хилма-хил ва мослашувчан шаклларига интилди.

Самарқанд саммити якунлари бўйича "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Туркий давлатлар ташкилоти стратегияси"нинг қабул қилиниши муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Ушбу ҳужжат туркий мамлакатларнинг "Туркий дунё нигоҳи — 2040" концептуал ҳужжатини амалга ошириш бўйича биринчи "Йўл харитаси" бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мазкур тузилмага аъзо бўлганидан буён ўтказилаётган саммитларда фаол қатнашмоқда. Хусусан, мамлакатимиз етакчиси Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 2024 йил 6 ноябрь куни Бишкекдаги навбатдаги ва 2025 йил 21 майда Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган норасмий мажлисларида иштирок этди.

Мазкур саммитларда ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий шерикликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Будапештда бўлиб ўтган ТДТ норасмий саммитидаги нутқида жаҳонда геосиёсий ва геоиқтисодий зиддиятлар, минтақавий низолар ва иқлим ўзгариши оқибатлари кучайиб бораётган бугунги мураккаб вазият шиддат билан ўзгариб бораётганини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти долзарб халқаро муаммоларни ҳал этишда, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқ нормалари ва БМТ Низомига таянган ҳолда ташкилот давлатларининг умумий ёндашув ва позицияларини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади. Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига тўхталар экан, Ўзбекистон етакчиси бу борада ишга солинмаган улкан салоҳият мавжудлигини таъкидлаб ўтди ва қатор янги таклифлар билдирди.

Сиёсий жиҳатдан Ўзбекистон ташаббуси билан туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Ушбу ҳужжат халқларимизни янада яқинлаштириш ва кўп қиррали ҳамкорликнинг узоқ муддатли ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

"Ўтган йили "Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ҳамда қардошлик тўғрисида"ги битимни ишлаб чиқиш таклифини илгари сурган эдик. Бугунги кунда ушбу ҳужжатнинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортиб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, мазкур битим халқларимизни янада яқинлаштириш ва кўп қиррали ҳамкорлигимизнинг узоқ муддатли ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу ҳужжатни Боку саммитида имзолашни таклиф қиламан", деди давлатимиз раҳбари.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президенти 2019 йилдан шу кунга қадар ўтказилган саммитларда ТДТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 98 та амалий ташаббусни илгари сурди. Бугунги кунга қадар 70 га яқин ташаббусларнинг ижроси таъминланди ва 30 га яқини амалга ошириш босқичида.

Ўзбекистон учун бу ташкилотдаги асосий иқтисодий мақсадлар муҳим. Ҳозирги кунда экспорт ҳажмини ошириш, сармоя жалб этиш, иш ўринлари яратиш, ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш, камбағалликка қарши курашиш Ўзбекистон учун асосий муаммолар сирасидандир. Буларнинг бари бизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувимизга таянади, табиийки, бу форматдаги ҳамкорлик янада интеграциялашув ва ишлаб чиқариш компонентларини тартибга солиш борасида ёрдам бериши мумкин.

Туркий давлатлар ташкилоти аъзолари бўлган 5 мамлакатнинг умумий майдони 4 244 026 квадрат километрга тенг. Ушбу давлатлар ҳудудида истиқомат қилаётган жами аҳоли сони эса 170 миллиондан зиёд. Бу улкан имконият ва бозор, демакдир. Мазкур жиҳатлар ва шу кунга қадар эришилган келишувларга кўра, ташкилотни рўёбга чиқарилмаган улкан имкониятлар ва бирлаштирувчи салоҳиятга эга бўлган минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизми, деб билувчи Ўзбекистоннинг аъзо мамлакатлар билан ўзаро товар айрибошлаш кўрсаткичлари йил сайин ошиб бормоқда.

> *Ўзбекистон Президенти 2019 йилдан шу кунга қадар ўтказилган саммитларда ТДТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 98 та амалий ташаббусни илгари сурди. Бугунги кунга қадар 70 га яқин ташаббусларнинг ижроси таъминланди ва 30 га яқини амалга ошириш босқичида.*

Бугунги кунда ТДТ аъзолари биргаликда Хитой ва Россиядан кейин мамлакатнинг учинчи энг муҳим ташқи савдо ҳамкори ҳисобланади. 2024 йилда ўзаро савдо ҳажми 10 млрд. долларга яқинлашди, бу эса Ўзбекистон умумий ташқи савдо айланмасининг 15 фоизини ташкил қилади

Айниқса, ТДТ доирасида биринчи савдо ҳамкор — Қозоғистон ва ташкилот доирасида иккинчи савдо ҳамкор — Туркия билан алоқалар ўсиш динамикаси кўзга яққол ташланади. Жумладан, 2024 йил якунига кўра, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ўзаро савдо айланмаси 4,28 млрд. долларга етди.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги товар айланмаси ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, 2024 йилда Туркия билан олди-берди ҳажми 2,9 млрд. долларга етди.

Худди шу кўрсаткич Озарбайжон билан ҳам ижобий ўсишни кўрсатди. Энг муҳими, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги барча шериклар билан ўзаро савдо ҳажми тарихий максимумларни йил сайин янгилаб бориш тенденциясини юзага келтирди.

Ўзбекистон ТДТ мамлакатлари бозорларига тайёр маҳсулотларнинг асосий ҳажмини: тўқимачилик, электротехника, автомобилсозлик ва мева-сабзавот маҳсулотлари ҳамда рангли металларни экспорт қилади. ТДТ мамлакатларидан саноат корхоналари учун зарур маҳсулотлар: металл прокат, алюминий, шунингдек, турли механик асбоблар, қурилиш материаллари, нефть маҳсулотлари, доннинг асосий қисми ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилинади.

Ушбу ижобий ўсишни сақлаб қолиш ва тезлаштириш учун Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш муҳимдир. Савдо операцияларини соддалаштирадиган ва тезлаштирадиган "TURK-TREYD" онлайн платформасини яратиш, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги айирбошлашнинг ўсишига ҳисса қўшадиган савдони кенгайтириш бўйича Амалий дастурни қабул қилиш шулар жумласидандир.

Ўзаро ҳамкорликнинг кейинги йўналиши сифатида саноат кооперациясини қайд этиш мумкин. Ўзбекистон бу соҳани ривожлантиришни фаол рағбатлантириб, ТДТга аъзо мамлакатлар капитали иштирокида янги корхоналар очилишини қўллаб-қувватламоқда. 2025 йилга келиб, бундай корхоналар сони 4 мингтага яқинлашиб, 2019 йилдагига нисбатан 60 фоизга кўпайди. Шунингдек, бу компанияларнинг улуши мамлакатдаги хорижий капитал иштирокидаги барча корхоналарнинг тахминан 20 фоизига тенгдир.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида урғу бериляпти. Аҳамиятлиси, туркий давлатлар жаҳон иқтисодиётида ўзининг транзит аҳамиятининг барқарор ўсишини намойиш қилмоқда. "Ўрта йўлак" орқали юк ташиш ҳажми 2024 йилда 4,5 млн. тоннани ташкил этиб, 2020 йилдагига нисбатан қарийб 6 баробар ошгани бунинг яққол тасдиғидир. Бундай динамика бошқа инфратузилма лойиҳалари, жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг стратегик зарурлигини кўрсатади.

Мазкур тузилма мамлакатлари, шунингдек, Кавказ ва Марказий Осиёда янги ривожланаётган транспорт ҳамда энергетика йўлаклари тармоғи бўйлаб ишончли хавфсизлик ва ҳамкорлик камарларини таъминлашга интилмоқда. Бу нафақат аъзо давлатлар ўртасида савдо алоқаларини кенгайтириш учун биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан қулай шарт-шароитлар яратишни назарда тутади, балки ташкилотнинг иқтисодий мустақиллиги ва фаровонлигига эришиш учун ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон маданий-тарихий меросни асраб-авайлаш ва оммалаштириш йўналишларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Таълим соҳасида Ўзбекистон талабалар ва тадқиқотчилар алмашинув дастурларида фаол қатнашиб, туркий мамлакатлар университетлари ва илмий марказлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик, жумладан, қўшма таълим дастурлари ва тажриба алмашиш учун академик платформалар яратиш фаол қўллаб-қувватланаётир. Ўзбекистон ташаббусларининг муҳим жиҳати ҳам энергетика ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқишдир.

Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонда ўтаётган Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммитида иштироки туркий дунё тараққиётига хизмат қиладиган долзарб ташаббусларни илгари суриш ҳамда минтақаларимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги навбатдаги қадам бўлади. Шунингдек, ушбу ташриф туркий маконда бирдамликни мустаҳкамлаш ва халқларимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган самарали саъй-ҳаракатларга туртки беради.

**«Дунё» АА.**

---

**Биз ва дунё**

## Малайзияда «Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» китобининг тақдимоти ўтказилди

*Малайзиянинг Пинанг штати маркази Жоржтаун шаҳрида сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг "Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли" номли китобининг тақдимоти ўтказилди.*

Тадбирда Малайзиянинг сиёсий ва академик доиралари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда фуқаролик жамияти фаоллари иштирок этди.

Мамлакатимиз элчиси Кароmиддин Гадоев мазкур китобнинг ёзилиши, унинг асосий мазмунини қамраб олган давлатимиз раҳбарининг халқпарвар сиёсати, юртимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ва муаллиф ҳақида сўзлаб берди.

Китобдан ўрин олган муаллифнинг 2017 — 2025 йилларда ўзбек ва жаҳон матбуотида чоп этилган 15 дан ортиқ публицистик мақолалари ва уларда Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар ўзига хос тарзда чуқур таҳлил қилингани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Малайзиялик сиёсатчи ва таҳлилчилар мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар кўламини эътироф этган ҳолда уларнинг таъсири миллий чегаралардан ташқарига чиқиб, бутун Марказий Осиё минтақаси бўйлаб барқарор ривожланишига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Хусусан, мазкур китобга киритилган "Минтақа баҳори" сарлавҳали мақолада давлатимиз раҳбарининг ташаббускорлиги ва сиёсий иродаси сабабли сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари ўзига хос рақобат ва зиддиятлар қуршовидан чиқа олгани ҳамда Ўзбекистон етакчисининг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ минтақада бутунлай ўзгача, яъни дўстона муҳит вужудга келгани урғуланган.

Бу, ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ва "Марказий Осиё +" форматларида яққол намоён бўлиб, минтақа ўз олдида турган долзарб чақириқ ва муаммоларга ҳамжиҳатликда ечим топмоқда.

Қўшни давлатлар билан чегара муаммоларининг узил-кесил ҳал этилиши эса Марказий Осиёда дипломатиянинг тарихий ютуғи бўлди.

Тақдимотдан сўнг "Баҳор" давлат рақс ансамбли миллий маданиятимиз ва Янги Ўзбекистонни тараннум этувчи куй-қўшиқларни тақдим қилди.

**Оои Чок ЯН,**
**Малайзиянинг Пинанг штати администрацияси вакили:**

— Китоб тақдимотида иштирок этиб, Ўзбекистон Президенти юксак қарашлар эгаси эканлигига яна бир бора амин бўлдим. Юртингизда қисқа муддатда амалга оширилган ва эришилган юқори натижалар эътирофга лойиқ. Мен Ўзбекистон ва унинг етакчиси ҳақида ушбу қимматли китоб орқали кўпроқ билиб олиш ниятидаман.

**Эрие ВАН,**
**эксперт:**

— Китобда Ўзбекистон Президенти саъй-ҳаракатлари билан юртингизда олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар ҳақидаги қизиқарли мақолалар тақдим этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги муносабатларнинг янада яқинлашувига сабаб бўлди дея айта оламан.

Кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, малайзияликлар учун визасиз режимнинг жорий этилиши бизни хурсанд қилди. Чунки малайзияликлар Ўзбекистон ва унинг бой тарихига жуда қизиқади. Эндиликда биз Ўзбекистон орқали нафақат мамлакатингизни, балки бутун Марказий Осиёни яқиндан танияпмиз.

**«Дунё» АА.**
Куала-Лумпур

---

**Расмий муносабат**

## Ҳолат қўмита назоратига олинди

*Шу кунларда "Kun.uz" интернет нашрида эълон қилинган "Омадсиз "тадбир" ёхуд бировга чоҳ қазисанг ўзинг тушасан: ИИБ бошлиғининг фитнаси ўзига қарши ишлади" номли видеомақола ижтимоий тармоқларда ҳамда жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилинмоқда.*

Ушбу видео-мақола мавзусига сабаб бўлган ҳолатлар Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан назоратга олинди.

Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари томонидан қонуний қарор қабул қилиниши юзасидан тегишли парламент назорати ўрнатилди. Ўз навбатида, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси қонун бузилиши ҳолатининг ҳар қандай кўринишига муросасиз эканлигини билдиради.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**

---

## Замонавий хиёбон қачон барпо этилади?

←1

Мазкур фармойишга асосан Юнусобод туманининг Наманган кўчасидаги 1-уй манзилида жойлашган собиқ 1-сонли тергов ҳибсхонаси бино-иншоотлари ва унга тегишли ҳудуд Тошкент шаҳар ҳокимлиги балансига ўтказилган. Мазкур ҳудудда барча зарур инфратузилмага эга замонавий хиёбон (дам олиш маскани) барпо этиш вазифаси юклатилган.

Бироқ орадан анча вақт ўтганига қарамай, фармойишда белгиланган вазифалар ижроси ҳанузгача тўлиқ таъминланмаган. Ҳозирда ушбу ер майдонлари қаровсиз ҳолатда қолаётгани, айрим қурилиш компаниялари томонидан эса ҳудуддан хусусий манфаатни кўзлаб фойдаланишга уринишлар кузатилаётгани фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари Сайёра Абдикаримова томонидан Тошкент шаҳар ҳокими Шавкат Умурзоқовга сенатор сўрови юборилди.

Сенатор Тошкент шаҳар ҳокимидан мазкур ҳудуднинг ҳозирги ҳолати, фармойишда белгиланган вазифалар бажарилиши кечиккани сабаблари ҳамда тегишли ер майдонини ободонлаштириш ва замонавий хиёбон барпо этиш бўйича кўрилаётган амалий чоралар юзасидан асослантирилган тушунтириш беришни сўраган.

**«Халқ сўзи».**

---

# МАМЛАКАТ ҲАЁТИНИНГ ҲАҚҚОНИЙ КЎЗГУСИ

*Ҳар бир давлатнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни муҳим аҳамият касб этади, чунки у орқали жаҳондаги деярли барча мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалардаги фаолияти кузатиб борилади. Мамлакатнинг мазкур рейтинглардаги ўрни унинг бошқа давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, инвестиция, ташқи савдо ва бошқа муҳим соҳаларда ҳамкорлик қилишида ўзига хос аҳамиятга эга. Қисқача айтганда, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар турли соҳаларда эришилган кўрсаткичлар ва халқаро рейтинглардаги ўрни билан белгиланади.*

**Мулоҳаза**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни ижро ҳокимияти органлари фаолияти натижаси билан бевосита боғлиқ. Халқаро ва Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларининг бир-бирига мослиги миллий ҳамда халқаро меъёр талабларининг мутаносиблигини ҳам таъминлайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан кенг кўламли, тизимли ислоҳотлар боис Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва обрўси билан ҳамоҳанг равишда унинг халқаро рейтинглардаги кўрсаткичлари ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Мисол учун, 2024 йил якунлари билан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда олиб борилган ислоҳотлар натижасида бир қатор халқаро рейтинг ва индексларда ижобий кўрсаткичларга эришилди. Хусусан, мамлакатимиз "Иқтисодий эркинлик" индексида 55,9 балл билан дунё бўйича 184 та мамлакат орасида 103-ўринни эгаллади ва 2023 йилдагига нисбатан 6 поғона юқорилади.

Ёки Жаҳон банкининг логистика самарадорлиги индексида Ўзбекистон ўз кўрсаткичларини 11 поғонага яхшилаб, 139 та давлат орасида 88-ўринни эгаллади. Ушбу кўрсаткич МДҲ аъзолари орасида 5-ўрин, Марказий Осиёда эса 2-ўрин ҳисобланади.

Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтинги ва рақобатбардош саноат унумдорлиги индексида ҳамда глобал инновация индексларида ҳам анча илгари силжишлар кузатилган.

Умуман олганда, охирги йилларда халқаро рейтинг ва индексларга эътибор, ёндашув тубдан ўзгарди. Улар билан самарали ишлаш бўйича ҳуқуқий ва институционал механизмлар яратилди. Мазкур йўналишда парламент иштироки ва назорати фаоллашди. Сўнгги беш йил давомида мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрнига таъсир қилувчи 20 дан ортиқ стратегиялар, 5 та кодекс, 35 та қонун, 4 та концепция ва 60 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мазкур йўналишдаги ишларни сифат ва самарадорлик жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, хусусан, парламент ваколатларини кучайтириш мақсадида 2024 йилнинг 19 июнида давлатимиз раҳбарининг Фармони қабул қилинди. У асосида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича Сенат Раиси бошчилигидаги республика кенгаши фаолияти такомиллаштирилди.

Ўзбекистон учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш, илғор халқаро тажрибага асосланган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари суриш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси учта халқаро рейтинг агентлигида суверен кредит рейтинг баҳосига эга бўлиб, "S&P" Global Ratings" халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтинг баҳосини "BB-" даражасида тасдиқлади ва илк бор рейтинг кутилмаси "барқарор"-дан "ижобий"га оширилди.

Шунингдек, "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги мамлакатимизнинг суверен кредит рейтинг кутилмасини "барқарор"дан "ижобий"га оширди ҳамда "Ba3" даражасидаги рейтингини тасдиқлади. "Fitch" халқаро рейтинг агентлиги эса республикамиз суверен кредит рейтинги баҳосини 2018 йилдан бери илк маротаба "BB-"дан 1 поғонага — "BB" даражага оширди ва рейтинг кутилмасини "барқарор" даражада тасдиқлади.

Жаҳон банки томонидан мамлакатларнинг статистик салоҳиятини ўрганиш ва баҳолаб бориш мақсадида янгиланган услубиёт асосида ишлаб чиқилган "Статистик самарадорлик кўрсаткичлари" 2023 йил натижалари кенг жамоатчиликка эълон қилинди. Ўзбекистон мазкур халқаро рейтингда 80,3 балл тўплаб, дунёнинг 217 та мамлакати ичида 62-ўринни эгаллади ва аввалги йиллардагига нисбатан 17 поғонага яхшиланди.

Айтиш жоизки, аксарият йўналишлар бўйича мамлакатимиз кўрсаткичларида юқорилаш кузатилаётган бўлса, баъзи йўналишларда аксинча. Хусусан, Ҳуқуқ устуворлиги индексида Ўзбекистоннинг рейтинги 0,49 балл (-0,01 балл) билан 5 поғонага пастлаб 83-ўринга тушди. Индекс таркибидаги жами 8 та индикатордан 4 тасида Ўзбекистоннинг позициясида ўсиш кузатилган, 2 тасида ўзгаришсиз қолган, 2 тасида пасайган.

Матбуот эркинлиги индексида ўтган йиллардагига нисбатан 11 поғона пастлаб, 148-ўринни эгаллади ҳамда матбуот эркинлиги бўйича вазият "мураккаб"дан "ўта жиддий" тоифадаги давлатлар гуруҳига тушган.

Халқаро рейтинг агентликлари томонидан ўтказилаётган сўровларда Ўзбекистоннинг айрим соҳаларда эришаётган ютуқлари ва кўрсаткичлари ўз аксини топмаётгани қуйи поғоналарда қолишига сабаб бўлаётганини кўрсатади. Бу эса рейтинг агентликлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш лозимлигини, шунингдек, вазирлик ҳамда идоралар, ижро ҳокимияти масъуллари эришилаётган ютуқлар тўғрисидаги маълумотларнинг халқаро рейтинг ва индексларда тўғридан-тўғри акс этишини таъминлашга жиддий эътибор қаратиши лозимлигини англатади.

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг энг самарали йўлларидан бири, бу — тарғибот. Яъни Ўзбекистонда олиб борилаётган шиддатли ислоҳотлар ва уларнинг амалий натижаларини аҳолига, қолаверса, халқаро ҳамжамиятга кўрсата билиш зарур. Эндиликда халқаро рейтинг ва индекслар мамлакат ҳаётининг кўзгусига айланиши керак. Токи, бу кўзгуда ҳаққоний сиймосини кўрган халқ ўз ҳалол меҳнатидан кўнгли тўлсин ва рози бўлсин.

**Кобул ТУРСУНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

---

**Тадбир**

## Марказий Осиё педагоглари Нукусда жам бўлди

*Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида илк маротаба "Марказий Осиё педагоглари" халқаро форуми ўтказилди. "Марказий Осиё педагоглари — бир минтақа, бир овоз, бир куч" шиори остидаги ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан ЮНЕСКО ҳамда ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил қилинди.*

Унда Марказий Осиё давлатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон таълим вазирликлари, Озарбайжон ва Туркия давлатлари етакчи педагоглари, таълим соҳаси фидойилари, БМТ, шунингдек, қатор халқаро ташкилотлар ҳамда Кембриж университети вакиллари иштирок этди.

Форумни ўтказишдан асосий мақсад Марказий Осиё давлатлари ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, педагоглар учун тажриба алмашиш платформасини яратиш ва минтақавий таълим тизимини ривожлантиришга қаратилди.

Нукус шаҳридаги "Оқ қуш" мажмуасида уюштирилган очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Аманбай Оринбаев сўзга чиқиб, сўнгги йилларда юртимизда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор ҳақида гапирди.

Тадбирда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий резидент-координатори, Жаҳон банкининг Марказий Осиёдаги инсон тараққиёти бўйича дастури менежери, Осиё тараққиёт банки минтақавий офиси директори, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари, "Cambridge University Press&Assessment"нинг Европа, Марказий Осиё ва Америка бўйича лойиҳа координатори, "Marshall Cavendish Education" ташкилотининг бош директори, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари сўзга чиқиб, Ўзбекистонда таълим трансформацияси ва унда халқаро алоқаларнинг ўрни ҳақида фикр билдирди.

Форум доирасида иштирокчилар учун "Экологик таълимда замонавий технологиялар" мавзуида семинарлар ташкил этилди. Шунингдек, видеодарслар, мобиль иловалар ва виртуал лабораториялар асосида ишлаб чиқилган янги методик ишланмалар намойиш қилинди.

Амалий қисмда эса педагоглар экологик тажрибаларни ташкил этиш бўйича интерфаол машғулотларда қатнашди. Семинар якунида замонавий технологиялар асосидаги экотаълим нафақат билим бериши, балки болаларда масъулият, меҳр-оқибат ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Форум доирасида Оролбўйининг диққатга сазовор жойларига ташкил этилган саёҳат ва "Абадий дўстлик" деб номланган концерт дастури меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

**Ғайрат ОТАЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

**Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишида шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган битим тасдиқланди.**



# МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

1 Муҳокама давомида фракция аъзолари Муқаддасхон Аҳмедова, Раъно Астанақулова ва бошқалар қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, унда назарда тутилаётган нормалар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилишини қайд этди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

**“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш, тарихий Ватани атрофида янада жипслаштириш, уларнинг юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлардаги иштирокини рағбатлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли моддаларига карта эгалари ва уларнинг оила аъзолари учун миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида кўрсатиладиган айрим давлат хизматлари учун давлат божидан озод этилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, “Ватандош” картаси эгалари турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганда, уларнинг оила аъзолари амалдаги виза муддатини кўп марталик қилиб узайтирганда, шунингдек, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганда ва рўйхатга олинган муддатини узайтирганда давлат божидан озод этилиши назарда тутиляпти.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳасида назарда тутилаётган янгиликлар партия ғоя ва мақсадларига ҳамоҳанг эканлигини қайд этди. Партия сайловолди дастурида ҳам хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан узвий мулоқот ва ҳамкорликни янада ривожлантириш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардаги иштирокини кучайтиришга қаратилган муҳим вазифалар белгилангани таъкидланди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хорижда яшаётган ватандошларга Ўзбекистон ҳудудида профессионал, шу жумладан, тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишлари учун қулай ҳуқуқий, ижтимоий шароитларни яратишга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

**“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунга ҳоким лавозимига номзод тегишли халқ депутатлари Кенгашида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастури билан бир қаторда коррупцияга қарши курашиш режасини ҳам тақдим этишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунларга эса Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг лавозимига номзод унинг номзоди Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётганда ва маъқулланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чораларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасидан ташқари коррупцияга қарши курашиш режасини тақдим этиши назарда тутиляпти.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамияти, айни чоғда заруратига эътибор қаратиб, унда назарда тутилаётган айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди. Хусусан, депутат Зуҳриддин Мавлоновнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамиятда очиқлик ва шаффофлик даражасининг ортишига, раҳбарларнинг жамоатчилик олдидаги масъулиятини янада чуқур ҳис этишига хизмат қилади.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Мазкур қонун лойиҳасида “Ватандош” картаси эгалари ва уларнинг оила аъзолари учун миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Бунда уларни миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида кўрсатиладиган айрим давлат хизматлари учун давлат божидан озод этиш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси хорижда яшаб, фаолият олиб бораётган ватандошларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожига қўшаётган шахсий ҳиссаларини янада оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаевнинг ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга доир парламент сўровига берилган жавоби ҳам кўриб чиқилди.

Жавобда ёшларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг муҳим механизми бўлган “Ёшлар дафтари” жамғармаларининг ҳолати таҳлил қилинган. Жорий йил 5 сентябрь ҳолатига жамғармаларда 336 млрд. сўм маблағ шаклланган бўлиб, йил бошидан 45 минг нафар ёшга 188 млрд. сўмлик моддий қўллаб-қувватлаш кўрсатилган.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳанинг асосий мақсади ҳукумат аъзолари ва маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларининг коррупцияга қарши курашишдаги масъулияти ва ҳисобдорлигини ошириш, улар томонидан бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтиришдан иборат.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодлар Қонунчилик палатасида номзоди кўриб чиқилаётганда ва маъқулланаётганда ўз фаолият дастури билан бирга тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режасини ҳам тақдим этиши белгиланмоқда.

Фракция аъзоси Дилдора Камолова коррупцияга қарши курашишда фақат жазо чоралари эмас, балки масъул раҳбарларнинг дастурий ёндашуви ҳам муҳимлигини таъкидлаб, номзодлардан шундай режаларни тақдим этиш талабининг белгиланиши тизимда очиқлик ва жавобгарликни кучайтиришини айтди.

Йиғилишда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши раҳбар лавозимларга тавсия этилаётган шахсларнинг давлат хизматини очиқлик ва ҳисобдорлик тамойиллари асосида амалга оширишга бўлган масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Фракция аъзолари йиғилишда кўрилган масалаларни қўллаб-қувватлади.

**«Халқ сўзи».**

# ИЛМУ МАЪРИФАТ БИЛАН ЮКСАЛИШ САРИ

*Замонавий дунёда ҳар бир давлатнинг нуфузи, жаҳон майдонида тутган ўрни фақат иқтисодий қудрати билан эмас, балки илм-фан, таълим ва инновация соҳасидаги ютуқлари билан белгиланади.*

*XXI асрда мамлакатлар ўртасидаги рақобат, аввало, интеллектуал салоҳият, замонавий билим ва янги технологияларни яратиш қобилияти орқали кечмоқда. Шунинг учун ҳам Янги Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида илм-маърифатни давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши сифатида белгилади.*



## Мушоҳада

Гувоҳи бўлаётганимиздек, сўнгги саккиз йилда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида таълим тизими ҳар томонлама тубдан янгиланиб бораётир. Мактабгача таълим қамровининг деярли 3 баробарга яқин, олий таълимда эса 4,6 карра ортиши, Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ташкил этилиши, касбий таълимда дуал тизимнинг йўлга қўйилиши — буларнинг барчаси мамлакатимизнинг янги тараққиёт йўлидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: *“Ҳар бир болани касб-ҳунар орқали даромадли қилсак, оилаларнинг рўзғори бут бўлади, маҳаллаларда тинчлик ҳукм суради”.* Бу сўзларда нафақат иқтисодий барқарорлик, балки маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, келажак авлодни муносиб тарбиялаш ғояси ҳам мужассам.

### Интеллектуал рақобатбардош ёшлар тарбияси

Илк таълим босқичи боланинг шахс сифатида шаклланишида энг муҳим давр ҳисобланади. Шу боис юртимизда мактабгача таълим тизими давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Эътибор қилинг, 2017 йилгача мамлакатимизда 4 мингдан зиёд маҳаллаларда бирорта ҳам болалар боғчаси йўқ эди. Мактабгача таълимга қамров атиги 27 фоизни ташкил этар, қолган болалар уй шароитида ёки тартибсиз муҳитда ўсишга мажбур бўларди. Бу эса ёш авлоднинг интеллектуал ривожланиши, уларда ижтимоий кўникмаларнинг шаклланиш имкониятларини чекларди.

Бугун эса вазият мутлақо ўзгарди. Давлат дастурлари ва хусусий сектор билан ҳамкорлик натижасида мактабгача таълим муассасалари сони 38 мингдан ошди. Қамров даражаси эса 78 фоизга етди. Яқин келажакда бу кўрсаткич 80 фоиздан ҳам ортиқ бўлиши кутилмоқда.

Эътиборлиси, давлат хусусий боғчаларни қўллаб-қувватлаш орқали рақобат муҳитини яратди. Хусусий сектордаги харажатларнинг муайян қисми давлат томонидан қоплаб берилаётгани ота-оналарнинг юкини енгиллаштирмоқда. Шу билан бирга, “Янги авлод” боғчаларида замонавий педагогик технологиялар, интерфаол ўқув дастурлари ва инновацион тарбия усуллари жорий этилди. Бу таълим муассасалари замонавий педагогик технологияларни ўзлаштириш мактабига айланмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда тарбиячилар учун малака ошириш курслари йўлга қўйилди. Хорижий тажриба асосида тайёрланган ўқув қўлланмалари ва услублари уларнинг профессионал ўсишига хизмат қилаётир.

Бугунги кунда мактабгача таълим тизими фақат болаларга билим бериш эмас, балки ижтимоий тенгликни таъминлаш воситасига ҳам айланди. Масалан, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун имтиёзли дастурлар амал қилади. Бу “ҳеч ким орқада қолмаслиги” тамойилининг амалий ифодасидир. Шундай қилиб, юртимизда таълим ислоҳотлари болаликдан бошланмоқда. Бу эса келажакда билимли ва рақобатбардош авлодни тарбиялашнинг кафолати ҳисобланади.

Мактаб таълими ҳар бир давлатнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини белгилайдиган энг муҳим босқич ҳисобланади. Мамлакатимизда охирги йилларда мактаб таълим тизими тубдан янгиланди.

Аҳоли сонининг 38 миллиондан ошиб бориши билан бирга ўқувчилар сони ҳам ортиб, 6,5 млн. нафарга етди. Бу таълим инфратузилмасига катта босим юклайди. Шу боис сўнгги саккиз йилда 500 дан зиёд янги мактаблар қурилиб, қарийб 1 млн. қўшимча ўқувчи ўринлари яратилди. Айни чоғда хусусий мактаблар сони кескин кўпайиб, уларда 200 мингдан зиёд болалар таълим олмоқда. Бу давлат ва хусусий секторнинг самарали ҳамкорлигига мисолдир.

Таълим сифатини ошириш мақсадида янги имтиҳон тизими йўлга қўйилди. 9 ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилинди. Бу орқали уларнинг қобилияти ва қизиқиши аниқланиб, ёшлар касбий таълим ёки олий таълим муассасалари сари йўналтирилади.

Шунингдек, хорижий тиллар ва фанлар бўйича халқаро сертификатларни тан олиш тизими жорий этилди. Масалан, “IELTS”, “TOEFL”, “CEFR” каби сертификатлар мактабдаёқ эътироф этилиб, ёшларнинг халқаро стандартларга мос билим олишига шароит яратди.

Таълимнинг мазмун ва сифатига жиддий эътибор қаратилди. Янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, “STEAM” йўналишларига алоҳида урғу берилди. Юқори синфларда айрим фанларни чуқурлаштириб ўқитиш тизими жорий қилинмоқда.

Алоҳида эътироф этиш керакки, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг ёрқин тимсолларидан бири Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларидир. Бу билим масканлари нафақат таълим беришнинг замонавий модели, балки келажак авлодни глобал рақобатга тайёрлашнинг стратегик платформасига айланмоқда.

Президент мактаблари замонавий жиҳозлар, халқаро ўқув дастурлари ва илғор педагогик методикалари билан ажралиб туради. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 14 та Президент мактаби фаолият юритмоқда. Улар “Cambridge Assessment International Education” билан ҳамкорликда таълим дастурини жорий қилган.

Президент мактабининг баҳолаш тизими 500 та ўқув муассасасида жорий қилиниши натижасида бир йилнинг ўзида билимларни ўзлаштириш 53 фоиздан 60 фоизга ошди. Бу тизим янги ўқув йилидан яна мингта зиё масканида жорий қилинади.

2024 йили мактабларни 14 мингдан зиёд ўқувчилар олтин ва кумуш медаллар билан битирди. “Катта бешлик” фан олимпиадаларида қўлга киритилган медаллар охирги тўрт йилда 2 карра кўпайди.

Президент мактабларида асосий эътибор “STEAM” (Science, Technology, Engineering, Arts, Mathematics) таълимига қаратилган. Бунда ўқувчилар табиий фанлар, математика ва ахборот технологияларини чуқурлаштирилган ҳолда ўрганади. Бу эса уларнинг интеллектуал салоҳиятини кучайтиради ва келажакда мутахассис сифатида рақобатбардошлигини таъминлайди.

Президент мактаблари билан бир қаторда 201 та аниқ фанлар ва хорижий тилларга ихтисослаштирилган ўқув муассасаси, 2 та спорт ва 9 та ижод мактаби фаолият юритмоқда. Улар орқали ёшлар нафақат билим, балки замонавий тафаккур билан ҳам қуролланмоқда.

Бугунги кунда математика ва информатикага ихтисослаштирилган мактабларда ўқувчилар халқаро олимпиадаларда мунтазам юқори натижаларга эришмоқда. Бу эса мамлакат таълим сиёсати самарасининг яққол далилидир. Масалан, биргина 2023/2024 ўқув йилида ўқувчилар томонидан халқаро фан олимпиадаларида жами 122 та медаль қўлга киритилган. Бу натижалар ёшларимизнинг халқаро миқёсда ҳам интеллектуал рақобатбардош кучга айланаётганини кўрсатади.

### Кадрлар тайёрлашга замонавий ёндашув

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш нафақат уларнинг шахсий келажаги, балки бутун мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги учун асосий шарт ҳисобланади. Шу боис юртимизда сўнгги йилларда касбий таълим тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

2026 йилнинг “Ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш йили” деб белгиланиши бежиз эмас. Шу муносабат билан Касбий таълим агентлиги ташкил этилиб, унинг вазифаси бутун тизимда сифатни ошириш, таълим дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш ва энг муҳими, бозорда талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлашдан иборатлиги белгиланди.

Техникум ва коллежларда Германия, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея ҳамда Буюк Британия каби давлатларнинг тажрибасига асосланган янги дастурлар жорий қилинди. Масалан, Швейцариянинг дуал таълим модели асосида талабалар бир вақтнинг ўзида ҳам назарий билим, ҳам амалиёт кўникмаларини ола бошлади.

Дуал таълим тизими — бу ўқув жараёнининг ишлаб чиқариш билан уйғунлашган ҳолда ташкил этилиши ҳисобланади. Яъни ўқувчи ўқиш давридаёқ корхонада иш тажрибасини орттиради ва битирганда тайёр мутахассисга айланади.

Бугун Ўзбекистонда йирик саноат корхоналари билан ҳамкорликда дуал таълим тизими кенг йўлга қўйилган. Келгуси йилларда қиймати 45 млрд. доллардан зиёд бўлган 456 та йирик саноат лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг ҳар бири касбий таълим тизими билан интеграция қилинган ҳолда мутахассислар тайёрлайди.

Касбий таълим сифатини оширишда фақат инфратузилма ёки дастурларни янгилаш эмас, балки педагог ва усталарнинг малакасини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис улар учун миллий ва халқаро сертификатлаш тизими йўлга қўйилди. Масалан, Германиянинг “Meisterbrief” тизимига ўхшаш сертификат моделлари жорий этилмоқда.

Бу нафақат таълим сифатини оширади, балки устознинг жамиятдаги нуфузини ҳам юксалтиради. Чунки малака сертификати нафақат миллий, балки халқаро меҳнат бозорида ҳам устознинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Бугун касбий таълим тизимига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Илгари бу йўналиш “олий таълимга киролмаганлар учун” деб қаралса, ҳозир эса касбий таълим замонавий иқтисодиётни таъминлайдиган стратегик йўналиш сифатида эътироф этилмоқда.

Агар мактаб ва касбий таълим жамиятнинг асосий устуни бўлса, олий таълим интеллектуал элитанинг, фан эса миллий тараққиётнинг “ақл маркази” ҳисобланади. Шу маънода, юртимизда сўнгги йилларда олий таълим ва илм-фан соҳаси мисли кўрилмаган даражада ривожланмоқда.

2016 йилда мамлакатимизда 77 та олий таълим ташкилоти фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 202 тага етди. Талабалар сони эса 250 мингдан 1,5 миллионгача кўпайди. Бу эса олий таълим қамровининг 9 фоиздан 42 фоизгача ошганини кўрсатади. Яъни ҳозир деярли ҳар иккинчи йигит-қиз олий маълумот олиш имкониятига эга. Бу Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Ўтган саккиз йилда таълим ва илм-фан соҳасига харажатлар 6 карра оширилиб, 378 трлн. сўм ажратилган. Бу маблағлар лабораториялар қуриш, замонавий жиҳозлар сотиб олиш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун сарфланмоқда.

Шунинг билан бирга, ўтган давр мобайнида ёшларга оид 100 дан зиёд қонун ва қарорлар қабул қилиниб, 200 дан ортиқ имтиёзлар берилди. Биргина таълим кредитидан 151 минг нафар талаба фойдаланди. Эҳтиёжманд оиладан бўлган яна 110 минг талабанинг шартнома пулини тўлашга 332 млрд. сўм ажратилди.

Ўзбекистон олий таълими жадал суръатлар билан халқаро миқёсга чиқмоқда. Бугунги кунда дунёнинг етакчи университетлари билан қўшма дастурлар ташкил этилган. Масалан, Лондон иқтисодиёт мактаби, Москва давлат университети, Жанубий Корея ва Япония университетлари билан қатор қўшма дастурлар очилди.

Ёш авлоднинг иқтидорини ривожлантириш учун давлат томонидан қатор дастурлар йўлга қўйилган. Жумладан, билимдон ёшларнинг нуфузли хорижий университетларда таълим олиши учун “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали грантлар бериляпти. Жамғарма орқали АҚШ ва Буюк Британиянинг энг нуфузли университетларини 50 нафар йигит-қиз битирди. Бугунги кунда уларда ўқиётган ватандошларимиз 200 дан ошди. Умумий ҳисобда эса 110 мингдан зиёд ёшларимиз хорижда таҳсил оляпти.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: *“Ўзбекистон ёшларининг салоҳияти, ғайрат-шижоати, интилиши кучли. Биз давлат бўлиб, миллат бўлиб, сифатли таълимни таъминласак, фарзандларимизга ҳеч ким бас кела олмайди, улар ҳамма соҳада етакчи бўлади”.* Бу ишонч ёшларга қаратилган ҳар бир ислоҳотнинг мафкуравий асосини ташкил этади, десак, муболаға бўлмайди.

> ***“2016 йилда мамлакатимизда 77 та олий таълим ташкилоти фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 202 тага етди. Талабалар сони эса 250 мингдан 1,5 миллионгача кўпайди. Бу эса олий таълим қамровининг 9 фоиздан 42 фоизгача ошганини кўрсатади. Яъни ҳозир деярли ҳар иккинчи йигит-қиз олий маълумот олиш имкониятига эга. Бу Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. — ”***

### «Тўртинчи саноат инқилоби» талаблари асосида

Илм-фан тараққиётнинг бош омилидир. Агар таълим жамиятга билимли авлодни етказиб берса, фан уларнинг илмий-ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариб, янги технология ва ечимларни тақдим этади.

Президентимиз таъкидлаганидек, янги саноат даври — “тўртинчи саноат инқилоби” талабларига жавоб бериш учун мамлакатимизда мавжуд табиий ресурсларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантириш зарур. Бунинг учун эса илм ва инновация асосий омил ҳисобланади.

Шу мақсадда ихтирочиларни рағбатлантириш тизими яратилди. Танлов ғолибларига электромобиллар, хорижда стажировкалар, пул мукофотлари берилмоқда. Халқаро ТОП университетлар билан ҳамкорликда қўшма дастурлар йўлга қўйилиши ҳам мамлакат илм-фанининг жаҳон майдонига чиқишига хизмат қилади.

Илм-фан натижаларини амалиётга татбиқ этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Масалан, охирги уч йилда 100 дан зиёд илмий ишланмалар тижоратлаштирилиб, уларнинг умумий қиймати 150 млрд. сўмдан ошиб кетди. Бунинг ортида биотехнология, кимё, энергетика ва ахборот технологиялари соҳаларидаги ишланмалар турибди.

Жаҳон тажрибасида Германия, Жанубий Корея ва Сингапур илм-фан ҳамда таълим интеграциясида энг илғор давлатлар сифатида тан олинади. Масалан, Германияда дуал таълим тизими ва фан-ишлаб чиқариш интеграцияси иқтисодиётнинг барқарор ўсишига хизмат қилмоқда. Жанубий Кореяда эса ЯИМнинг 4-5 фоизи илм-фанга сарфланади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич ривожланган давлатлардагига нисбатан кам бўлса-да, аммо йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон олимлари “Scopus” ва “Web of Science” каби халқаро базаларда эълон қилинаётган мақолалар сони бўйича ўсишга эришди. 2016 йилда бу кўрсаткич 400 та атрофида, 2024 йилда 3 мингдан ошди.

Оксфорд, Кембриж, Токио, Сеул ва Москва университетлари билан қўшма тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу жараёнлар нафақат миллий илмий салоҳиятни оширмоқда, балки Ўзбекистоннинг глобал фан майдонидаги обрў-нуфузини ҳам мустаҳкамламоқда.

Замон тақозоси шундайки, XXI асрда мамлакатнинг жаҳон саҳнасида тутган ўрни, аввало, унинг илм-фан салоҳияти, инновацион ечимлар ва замонавий таълим тизимига боғлиқдир. Шу жиҳатдан, юртимизда кейинги саккиз йилда амалга оширилган ислоҳотлар илму маърифатга асосланган тараққиётнинг мустаҳкам заминини яратиб берди.

### Устозга эҳтиром — муваффақиятлар пойдевори

Ҳар қандай жамиятнинг маънавий ва илмий тараққиёти, аввало, унинг устозлари ва мураббийларига боғлиқ. Ўқитувчи нафақат билим берувчи шахс, балки келажакни тарбияловчи маънавий етакчидир. Шунинг учун ҳам юртимизда сўнгги йилларда педагогларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда устоз ва мураббийларнинг юксак нуфузи яна бир бор эътироф этилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг самимий табриги, устозларга билдирган чуқур ҳурмати ва миннатдорлиги, шунингдек, таълим тизимида амалга оширилаётган янгиланишлар ҳақидаги атрофлича таҳлиллари мамлакат тараққиётининг илмий ва маърифий асосларга таянаётганини яққол кўрсатди.

Президентимиз тадбирда устозларга мурожаат қилиб: “*Мен кўплаб соҳа вакилларига унвон, орден ва медаллар бераман. Лекин устозлар мукофотланадиган кунни соғиниб кутаман...”*, дея алоҳида таъкидлади.

Бу сўзлардан ҳам кўринадики, устоз шахси нафақат таълим тизимининг, балки бутун жамият тараққиётининг асосий таянчи сифатида қадрланмоқда. Бугунги кунда юртимизда устоз ва мураббийларга нисбатан ҳурмат нафақат маънавий, балки амалий чора-тадбирларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Фахрий унвонлар, орден ва медаллар, ижтимоий имтиёзлар, уй-жой масаласидаги енгилликлар, кредит ва чегирмалар — буларнинг барчаси устозлар нуфузини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, устоз ва мураббийларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватланишига алоҳида эътибор қаратилиб келиняпти. Эндиликда 15 йил стажга эга педагоглар учун ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи қоплаб берилади. Педагог фарзандлари олийгоҳда ўқишга кирганда шартнома тўловининг 30 фоизи чегирилади. Янги технологияларни жорий этиш учун ўқитувчиларга 10 млн. сўмгача имтиёзли кредит берилади. Давлат хизматлари тўловлари педагоглар учун икки баробар камайтирилади. Сертификат олган ўқитувчиларга ҳар ой устама тўланади.

Педагогларни қўллаб-қувватлаш нафақат уларнинг ҳаёт даражасини яхшилайди, балки жамиятда устоз шахсининг обрўси ва нуфузини мустаҳкамлайди. Бу эса ёшларнинг устозга бўлган ҳурматини ошириб, таълим жараёнида янада самарадорликка олиб келади.

Замонавий таълимда ўқитувчи билим бериш билан чекланмайди. У болани мустақил фикрлашга, янгича ёндашувларга, ижтимоий масъулиятга ўргатиши лозим. Шунинг учун ҳам устознинг жамиятдаги нуфузи давлат сиёсати даражасида мустаҳкамланмоқда.

Дарҳақиқат, таълим ва илм-фан соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар мамлакат тараққиётининг пойдеворига айланди. Мактабгача таълимдан тортиб олий ўқув юртигача бўлган барча босқичда сифатли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Касбий таълимда дуал тизимнинг жорий қилиниши, Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг очилиши, олимлар учун яратилаётган имкониятлар — буларнинг барчаси Янги Ўзбекистоннинг маърифатли жамият қуришга йўналтирилган стратегиясининг амалий ифодаси.

**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

**2025 йилнинг январь — август ойларида Ўзбекистонда 141,5 трлн. сўмлик металлургия саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.**

# Тошкент вилояти камбағаллик, ишсизлик ва ҳуқуқбузарликдан холи ҳудудга айланади

←1 Шу ўринда кейинги уч-тўрт йилда эришилган натижаларга эътибор қаратсак. Қисқа вақт давомида вилоятнинг макроиқтисодий кўрсаткичларидан тортиб, камбағалликни қисқартириш, бандлик, миграция масалалари, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, уй-жой билан таъминлаш, қурилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, ердан самарали фойдаланиш, ижтимоий соҳалар ва туризм йўналиши, бу ҳудудда тадбиркорлик муҳити ва сармоявий жозибадорликни янада ошириш, хизмат кўрсатиш, йўл-транспорт ва коммуникация, экспорт жабҳаларида уддаланган ишлар кўлами сезиларли даражада ортди.

Сўнгги тўрт йилда вилоятда жами 3,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Жорий йилги рақамлар эса 2022 йил ҳолатига нисбатан тўрт баравар кўпдир. Хусусан, 2025 йилнинг ўтган саккиз ойида 1,7 млрд. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиб, 173 фоизлик салмоқли ўсишга эришилди. Охирги уч йилда вилоятда 6 млрд. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилиб, 70 дан ортиқ давлатларга маҳсулотлар етказилгани, 108 та янги корхона экспортга жалб қилиниб, 7 та янги бозор ўзлаштирилгани, экспортчиларга молиявий ёрдам, сертификатлаш ва ташқи бозордаги фаолият учун шарт-шароит яратилгани вилоятнинг ташқи иқтисодий салоҳияти ортиб бораётганидан далолат беради.

Айни натижалар хотиржамликка берилишга асос бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 11 сентябрь куни Тошкент вилоятида ислоҳотлар натижадорлиги ва янги режалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда илгари сурган ғоя ва ташаббуслари, вилоят раҳбарияти олдига қўйган вазифалардан келиб чиқиб тайёрланган мурожаат том маънода таҳлилий ва танқидий фикрларга бой бўлди. Унда асосий эътибор фойдалана олинмаётган имкониятларга, йўл қўйилган ва қўйилаётган камчиликларга қаратилди, айбдорлар аёвсиз танқид қилинди.

Бугунги дунёқарашимиздаги ўзгаришлар, ислоҳотларга ёндашувлар ҳақида гап кетганда, бир жиҳатга эътибор қаратдик. Агар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси бундан ўн йиллар олдин шу санада ўтказилганида эди, унда раҳбарлар иштирок этолмаган бўлишарди. Яъни улар пахта даласида, пахта тайёрлаш пунктида ёки тарозининг тепасида туришарди. Бугун эса вазият ўзгарди. Президентимизнинг сиёсий иродаси ва қатъий азму қарори билан “милён эгатларга сочилган ўзбек” халқи пахта мустамлакасидан озод бўлди. Пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган айни кунларда ўқитувчи мактабда, шифокор поликлиникада, талаба университетда — ҳар ким ўз вазифасини бажармоқда. Энг муҳими, Ўзбекистонда болалар меҳнатига буткул барҳам берилди. Бу ислоҳотлар самараси ўлароқ, ўзбек пахтаси учун қўйилган барча тақиқ ва санкциялар олиб ташланди, оқ пахта ўзбек халқининг косасини оқартира бошлади. Бу ҳақда айтиш, бу ишлар баёнини оқ қоғозга битиш осон. Аммо рақамларга мурожаат қилинса, мазкур ислоҳотлар замирида миллионлаб одамларнинг, айниқса, болаларнинг тақдири ётганлигининг, “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоя мужассамлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Мурожаатда ҳам барча соҳалар кесимида гап бордию, аммо пахтачиликни ривожлантириш ҳақида гапирилмади. Чунки энди, пахтанинг ўз эгаси бор. У — фермер, у — кластер. Тўғри-да, экканнинг ўзи териб олсин, аммо ёрдамлашганларнинг йўли тўсилмайди.

## Натижадорликнинг «Йўл харитаси»

Давлатимиз раҳбари ташрифи доирасида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидланганидек, бу гўзал табиатли ва салоҳияти юқори вилоят иқтисодиёти бугун изчил маромда ривожланиб бормоқда. Ўтган саккиз йилда 10 млрд. АҚШ доллари миқдорида ҳудудий ва 8 млрд. АҚШ доллари миқдорида тармоқ инвестициялари киритилган ҳамда 10 мингга яқин саноат, савдо ва сервис корхоналари ишга тушган.

Охирги уч йилда йиллик айланмаси 10 млрд. сўмдан кўп бўлган корхоналар сони 1,8 баравар ортиб, уларнинг сони қарийб 1,7 мингтага етгани, айланмаси 100 млрд. сўмдан юқори корхоналар эса 137 тадан 193 тага кўпайганини қайд этиш керак. Олдинги йилларда йиллик ўртача экспорт миқдори 1 млрд. АҚШ долларига ҳам етмаган бўлса, шу йилнинг саккиз ойида экспорт ҳажми бу рақамдан ошгани мисолида вилоятда тадбиркорларга яратилган қулайликни кўриш мумкин. Энг муҳими, аҳолини доимий даромадли иш билан таъминлаш бу саъй-ҳаракатларнинг туб мақсадидир.

Бу ҳақда сўз кетар экан, вилоятда хитойлик инвесторлар томонидан 2,1 млрд. АҚШ долларига йирик саноат парклари ташкил этилаётгани, шунингдек, вилоятни 2025 — 2027 йилларда жадал ривожлантириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, улар ижроси учун 40 трлн. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилганини мамнуният билан эътироф этиш керак. Чунки буларнинг барчаси ҳудудларда ишсизликни пасайтириб, камбағаллик даражасини қисқартириш имконини яратади.

Бундай натижаларни ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббусига мувофиқ, Тошкент вилоятида ҳам “Ислоҳотлар штаби” тузилди. Штаб томонидан аниқ режа ҳамда манзилли лойиҳалар тайёрланди ва бу ишлар ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Вилоятдаги Нурафшон, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида хорижий инвестиция иштирокида саноат корхоналарини ташкил этиш учун 2 та нимстанция қуриш кўзда тутилмоқда. Бекобод шаҳрида эса импорт ўрнини босувчи автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш, Оққўрғон туманида озиқ-овқат ва тўқимачилик корхоналарини очиш, Оҳангарон, Ангрен ва Ўрта Чирчиқ ҳудудидан оқиб ўтувчи Қорасув дарёси қирғоғида туризм ва савдо масканларини ташкил этиш имконияти бор. Бугунги кунда юқорида айтилган ишларни амалга ошириш учун тизимли чора-тадбирлар режаси ва “йўл хариталари” ишлаб чиқилган. Умуман, вилоятда 2,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестициявий лойиҳалар ижросини таъминлаш режалаштирилган. Агар бу лойиҳалар муваффақият билан амалга оширилса, Тошкент вилояти аҳолисининг 11 мингдан зиёд вакилларининг доимий бандлиги таъминланади, 434 млн. АҚШ долларига тенг янги экспорт қуввати яратилади.

Президент Шавкат Мирзиёев йиғилишда лойиҳалар билан атрофлича танишиб, қўшимча имкониятларни ҳам кўрсатиб ўтган эди.

— Тошкент вилояти саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам энг катта салоҳиятга эга ҳудуд. Асосийси, вилоят юртимиздаги энг йирик истеъмол ва хизматлар бозорини, яъни пойтахтимизни ҳар томондан ўраб туради. Бу ҳам жуда катта имконият. Уни тўлиқ ишга солиб, инвестиция, экспорт ва иш ўрни кўрсаткичларини каррасига оширса бўлади, — деган эди мамлакатимиз раҳбари.

Яна бир жиҳат шундаки, Тошкент вилоятидаги айрим бўш ерлар “Тошкент инвест” компанияси ва шаҳарнинг саноат зоналари дирекциясига ажратилиб, уларга пойтахт экологиясига зарар келтираётган корхоналар кўчирилади. Бу бўйича яқинда вилоятнинг Қибрай туманида кенг миқёсда иқтисодий форум ҳам бўлиб ўтди. Форум якунлари бўйича келишувларга эришилиб, шартномалар имзоланди. Янги корхоналар фаолиятининг йўлга қўйилиши орқали вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам янги уй-жойлар, инфратузилма ва хизматларга талаб ошади, одамларнинг пойтахтга қатнаб ишлашига ҳожат қолмайди.



Умуман олганда, вилоят салоҳиятини тўла ишга солиб, маҳаллаларни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш, шу орқали жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг ҳам олдини олиш имконияти йўқ эмас.

## «Ҳар жойда бор тошу тарози»

Маълумотларга кўра, бугун вилоятнинг 71 минг нафар аҳолиси чет элларда меҳнат қилмоқда. Ўтган тўққиз ойда 1200 нафар одам ишга отланган.

Савол туғилади: бу яхшими ёки ёмон? Даромад мўмай, меҳнат қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлса, албатта, ижобий баҳолаш керак. Лекин халқимизда “Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарози” деган нақл бор. Демоқчи бўлганимиз, ўша маблағни ўзимизда ҳам топса бўладими? Албатта, бўлади! Буни энди, мусофирда юрганлар ҳам англаб етишмоқда.

Вилоятда йил охирига қадар 500 минг янги иш ўрни яратилади. Бунда Тошкент шаҳридаги туманлар билан амалга оширилаётган ҳамкорлик тадбирлари қўл келмоқда. Қисқа вақт ичида пойтахтнинг ўндан ортиқ саноат корхоналари вилоятга кўчирилди. Бу иш изчил давом этмоқда. Яқин фурсат ичида яна саксон еттита корхона вилоятдан қўним топади. Бу билан бир йўла қатор мақсадларга эришилади. Мақсадлар сирасига пойтахтда тирбандликни камайтириш, экологик вазиятни яхшилаш, тежамкорликка эришиш, ишчи кучидан самарали фойдаланиш кабилар киради.

Эътибор беринг, ҳар куни Паркент туманидаги биргина маҳалладан 200 нафар қиз-жувон Мирзо Улуғбек туманидаги тўқимачилик фабрикасига ишга қатнамоқда. Бу корхонани Паркентга кўчириш қандай самара беришини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Сессияда таъкидланганидек, Тошкент вилоятининг ривожланишида Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг улуши жуда катта бўлади. Сўзсиз, ишчи ўринларининг ҳам сердаромад бўлиши кутилмоқда. Йил якунигача 412 минг фуқаронинг бандлиги таъминланиб, камбағаллик даражаси 4,5 фоизга туширилади. Ўнта ҳудуд, жумладан, Ангрен, Нурафшон, Бекобод, Олмалиқ, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Бўстонлиқ, Қибрай, Паркент ва Тошкент туманлари камбағалликдан холи ҳудудга айлантирилади.

Шу билан бирга, сессияда чет элдан қайтган меҳнат муҳожирларига етарлича эътибор берилмаётганлиги айтиб ўтилди. Қолаверса, энг ёмон иллат сифатида статистик маълумотларни сунъий тарзда бузиб, рақамларга қўшиб ёзиш ҳолатлари йўқолмаётгани, 8 ой мобайнида платформага киритилган бандлиги таъминланган 545 минг кишининг 152 минг нафари ёки 28 фоизи солиқ органлари томонидан ўз тасдиғини топмагани аёвсиз танқид қилинди.

## Танқидий ёндашув ва аниқ вазифалар

Тадбиркорлик ҳалолликни хоҳлайди. Меҳнат қилган одам ҳақини олиши баробарида, солиқларни ҳам тўлаб қўйиши шарт. Афсуски, солиқдан яшириб, кундалик ва ҳафталик иш ҳақларини “конверт”ларда бераётган тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолат, айниқса, умумий овқатланиш шохобчаларида кўпроқ кўзга ташланяпти.

Мисол тариқасида Қибрай туманидаги Байтқўрғон ва Оҳангарон туманидаги Шодмалик ота қишлоғидаги ошхоналар фаолияти танқид қилинди. Бундай ҳолатни кўра-била туриб, ўзини билмасликка солиб юрган раҳбарлар ҳам бундан манфаатдормикан, деган савол беихтиёр пайдо бўлади.

Бугун вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда маҳаллаларнинг ўрни ва салмоғи беқиёс эканлиги алоҳида таъкидланди. Бундан ташқари, бу ердаги муаммолар ҳам очиб ташланди. Ҳанузгача баъзи маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз биносига эга эмаслиги, айримлари эса таъмирга муҳтож эканлиги кўрсатиб ўтилди. Гарчи вилоятдаги 85 та оғир тоифадаги маҳаллага 117 млрд. сўм маблағ йўналтирилган ҳолда, 25 мингга яқин хонадонларга томорқа ерларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш имконияти яратилган бўлса ҳам, бу иш ҳали етарлича деб баҳоланмади.

Маҳаллаларда шағал тўшалган ва тупроқли йўллар йўқ эмас. Йил охиригача ана шундай кўчаларнинг барчасига асфальт ётқизиш, маҳалла фуқаролар йиғинларини бино билан таъминлаш, зарурларини таъмирлаш вазифа қилиб белгиланди. Айни вақтда “маҳалла еттилиги”нинг иш самарадорлигини ошириш, белгиланган вазифага масъулият билан ёндашиш лозимлиги ҳам уқтириб ўтилди.

Вилоятда туризм соҳаси ҳудуд иқтисодиётининг драйвери сифатида ривожланмоқда. Ўнлаб туризм кўчалари, сайилгоҳ ва истироҳат боғлари ташкил этилмоқда. Ҳудудга машҳур халқаро брендлар кириб келаётир.

Сессия ишида туризм қишлоқларида, меҳмон уйларида олиб борилаётган ишларни янада юқори поғонага кўтариш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, соҳанинг айрим раҳбарлари ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараётгани танқид қилинди. Тошкент вилояти мамлакатимизнинг энг меҳмондўст ҳудудига айланиши асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

3,5 млрд. АҚШ доллари. Бу — 2025 йилда вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган маблағ миқдори. Йил давомида 695 та мураккаб жарроҳлик амалиёти бажарилди, 35 турдаги замонавий ускуналар сотиб олинди, 876 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди. Бу кўрсаткич мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан анча кўпдир. Мана шундай рақамлар мактабгача ва мактаб таълими муассасалари кесимида ҳам келтириб ўтилди. Айни чоғда асосий эътибор йўл қўйилаётган камчиликларга қаратилди, янги вазифалар белгиланди.

Жумладан, барча ижтимоий соҳалар тоза ичимлик суви билан таъминланиши зарурлиги белгиланди. Замонавий услубда қурилган мактабларнинг ҳожатхоналари бино ичкарисига олиб кирилиши тўғрисида вазифа қўйилди ва аниқ муддатлар белгиланди.

Куз-қиш мавсумига ижтимоий соҳа объектларини тайёрлаш борасидаги камчиликлар ҳам рўйирост очиб ташланди. Сусткашликка йўл қўйганларга нисбатан қатъий чоралар кўрилди.

## Жиноятнинг биттаси ҳам кўп!

Тараққиётга тушов бўладиган биринчи нарса, бу — жиноят. Жорий йилнинг ўтган 8 ойида вилоятда 9 мингдан ортиқ жиноятлар содир этилгани фаолларни ташвишга солаётгани таъкидланди.

Бироқ 2025 йилда 2 мингдан ортиқ жиноятлар айнан ходимлар фаоллиги сабабли аҳоли билан ҳамкорликда аниқланди ва ҳолат 15 фоизга яхшиланди. Ўз навбатида, олдини олиш мумкин бўлган қилмишлар сони ҳам камайиб бормоқда.

Таъкидланганидек, жиноятчилик, асосан, кибержиноятлар ҳисобига кўпаймоқда. Уларнинг сони қайд этилганларнинг деярли ярмини ташкил қилмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида вилоятда жами 6 мингга яқин кузатув камералари ўрнатилиб, вилоят Ситуацион марказига интеграция қилинган. Хусусан, Чирчиқ шаҳрида йил бошида “қизил” тоифага киритилган, аҳоли сони 4642 нафар бўлган Бобур номидаги маҳалланинг кириш-чиқиш жойларига 10 га яқин кузатув камералари ўрнатилди. Натижада 9 ой давомида ушбу маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилмади.

Аммо айрим ҳудудларда бу борада етарли чоралар кўрилмаётгани натижасида жиноятчилик даражаси пасаймаётгани айтиб ўтилди. Кузатув камераларининг етарли эмаслиги боис, ўтган йилдагига нисбатан ўғрилик жиноятлари ошгани танқид қилинди ҳамда галдаги вазифалар белгилаб берилди.

Тошкент вилояти ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлили ҳамда келгуси устувор вазифалар юзасидан мурожаати танқид, таҳлил билан бир қаторда даъваткорлик руҳи ҳам алоҳида ажралиб турди. Унда эртанги кунга ишонч, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу ғоялар балқиб турганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Сўзсиз, ҳар бир тингловчи мурожаат билан танишар экан, ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилди ва янги вазифаларни белгилаб олди. Бизнингча, мурожаат ана шу хусусиятлари билан ҳам қадрли ва аҳамиятлидир.

**Абдусамад НОСИРОВ,**
**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари.**

**Тошкент метрополитени:**

# РАҚАМЛАШТИРИШ — СИФАТЛИ ХИЗМАТ ДЕМАК

*Кейинги йилларда барпо этилаётган янги темир йўл ва коммуникация тармоқлари, станция ҳамда вокзаллар, аҳоли ва ташкилотларга кўрсатилаётган хизматлар халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш, мамлакатимиз транзит салоҳиятини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий объектларнинг бир маромда ишлашини таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга. Айниқса, “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил барча ислоҳотлар марказига қўйилаётган бугунги кунда метрополитен транспортининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ортиб бораётир.*

## Ислоҳот одимлари

Албатта, кўп сонли аҳоли истиқомат қилувчи йирик шаҳарларда йўловчиларни манзилларига тез ва қулай шароитда етказиш долзарб масала ҳисобланади. Бунинг самарали ечимларидан бири, бу — метрополитен транспорти. Шу боис Тошкентда аҳоли сони, автоуловларнинг ўсиши ва тирбандликлар пайдо бўлиши фонида жамоат транспортининг нафақат энг тез, балки экологик тоза турларидан бири — метрони ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, метрополитен — кўп сонли йўловчиларни қисқа вақт ичида ташиш имконини берувчи энг қулай ҳамда тезкор транспорт воситаси. У ер остида ҳаракатланиши сабабли тирбандликлардан холи, ҳаракат жадвалига қатъий риоя қилинади. Шунингдек, метрополитен экологик тоза транспорт тури ҳисобланади, чунки у ҳавога зарарли газлар чиқармайди.

1977 йилда ишга туширилган ва Марказий Осиёдаги биринчи ер ости поезди ҳисобланган Тошкент метрополитени ўтган йиллар давомида шаҳарнинг муҳим транспорт артериясига айланди. Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан янги йўналишларнинг қурилиши, мавжуд линияларни реконструкция қилиш ва замонавий технологияларни жорий этиш орқали метрополитенни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳрининг бош режасига мувофиқ, келгусида метрополитен йўналишларини янада узайтириш, янги станциялар қуриш ва мавжуд инфратузилмани модернизациялаш режалаштирилган. Бу аҳолининг метрополитендан фойдаланиш имкониятини оширади, шаҳардаги тирбандликни камайтиради ва экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилади.



## Ер усти ҳалқа йўналишлари — қўшимча имконият

Тошкент метрополитенида хизматлар сифатини ошириш, ҳаракат қулайлиги ва хавфсизлигини кучайтириш, янги вагонлар олиб келиб, фойдаланиш муддати ўтганларини янгилаш, оралиқни икки-уч дақиқага келтириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.

Таққослаш учун: 1972 йилда Тошкент метрополитени қурилиши бошланиб, мустақиллик давригача умумий узунлиги 30 километрлик Чилонзор ва Ўзбекистон йўналишларида 23 станция мавжуд бўлган. Ундан кейинги 27 йилда, яъни 1991 — 2017 йилларда фақатгина Юнусобод йўналишининг бир қисми қурилиб, 6 та бекат ишга туширилган, линиялар узунлиги 38 километрга етган. Ўша даврларда жами 49 та метро поезди ҳаракатланиб, 2001 йилдан бери янги вагонлар олиб келинмаган эди.

Сўнгги саккиз йилда эса Тошкент метрополитени инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида қўшимча ер ости ва ер усти метро йўналишлари ҳамда метрополитен бекатлари барпо этиб келинмоқда. Ушбу давр ичида жами 32 километр метро йўналишлари қурилиб, 21 та замонавий метро бекати фойдаланишга топширилди. Бунда йиллар давомида чўзилиб келган Юнусобод йўналишининг охирги иккита станцияси қисқа муддатларда қуриб битказилди ҳамда 19 та станцияни ўз ичига олувчи Сергели ва ер усти ҳалқа йўналишлари фойдаланишга топширилди.

2023 йилда Тошкент ер усти ҳалқа метросининг иккинчи босқичи доирасида узунлиги 8,5 км. бўлган 5 та бекатдан иборат “Қўйлиқ — Қурувчилар” қисми фойдаланишга топширилди. Ҳозирда метронинг ушбу йўналишида кунига 45 минг йўловчи ташилиб, Яшнобод, Миробод, Сергели ва Янгиҳаёт туманларидаги 55 та маҳаллада яшовчи 220 минг аҳоли метрополитен билан қамраб олинди. “Қурувчилар — Қипчоқ” қисмида қурилиш якунланиб, иккита метро бекати ишга туширилиши натижасида Сергели ва Янгиҳаёт туманларидаги яна 7 та маҳаллада яшовчи 31 минг аҳоли метрополитен хизматидан фойдалана бошлади. Бунда ер усти ҳалқа метро линияси Сергели йўналиши билан боғланди. Натижада метрополитеннинг умумий узунлиги 70,4 километрга, бекатлар сони 50 тага, қўшимча 10 мингдан зиёд йўловчилар ҳисобига кунлик йўловчилар оқими 850 минг — 1 млн. нафарга етказилди.

20 дан зиёд янги метро поездлари харид қилиниши натижасида куннинг тиғиз вақтида поездлар келиш вақти 5 — 7 дақиқадан 2 — 3 дақиқагача қисқарди. Келгуси йилларда яна қўшимча 50 дан зиёд янги метро поездлари олиб келиниши режалаштирилган. Пенсионерларга 2023 йил 1 апрелдан метрополитендан фойдаланиш учун бепул хизмат кўрсатилмоқда.

## Меъморий гўзаллик: сайёҳлар оқимини кенгайтиради

Яна бир жиҳат. Сайёҳликни ривожлантиришда Тошкент метрополитенининг алоҳида ўрни бор. У шаҳарнинг деярли барча асосий диққатга сазовор жойларига етиб бориш, сайёҳларга эса вақтни тежаш имконини беради. Метрополитеннинг йўналишлари ва станциялари тушунарли ва осон навигацияга эга, бу эса сайёҳлар учун муаммосиз ҳаракатланишни таъминлайди. Метрополитендан фойдаланиш нархи нисбатан арзон, бу эса сайёҳлар учун бюджетни тежашга ёрдам беради.

Меъморий гўзаллик — алоҳида диққатга сазовор. Тошкент метрополитенининг ҳар бир станцияси ўзига хос меъморий қиёфага эга. Станцияларнинг дизайнида миллий анъаналар ва замонавий тенденциялар уйғунлашган. Метрополитен станциялари мозаикалар, ганчкорлик, мармар ва бошқа безак элементлари билан безатилган. Бу сайёҳларга ер остида ҳақиқий санъат асарини томоша қилиш имконини беради. Айрим станциялар, масалан, “Алишер Навоий”, “Космонавтлар” ва “Мустақиллик майдони” ўзининг гўзаллиги билан алоҳида ажралиб туради ҳамда сайёҳлар орасида катта қизиқиш уйғотади. Тошкент метрополитени сайёҳлик инфратузилмасига интеграциялашган. Метрополитен станциялари яқинида меҳмонхоналар, ресторанлар, дўконлар ва бошқа сайёҳлик объектлари жойлашган.

Бир вақтлар муаммоларга тўлиб тошган метро бугун қулайликлар масканига айланди. Тошкент метрополитенида йўл ҳақини онлайн тўлаш имконияти жорий этилди. Бу йўловчиларга кассаларда навбат кутиш заруратини бартараф қилиб, вақтини тежаш имконини берди. Онлайн тўловлар турли усулларда амалга ошириляпти: банк карталари, мобиль иловалар ва QR-кодлар орқали. Бу ҳар бир йўловчи ўзига энг қулай усулни танлаш имконини беради. Онлайн тўлов тизими нафақат вақтни тежайди, балки йўл ҳақини тўлашда шаффофликни таъминлайди ва нақд пул айланмасини камайтирди.



## Йўловчилар учун қулайликлар

Тошкент метрополитенининг кўпгина станцияларида бепул “Wi-Fi” хизмати йўлга қўйилган. Йўловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида бошқа инновацион ечимлар ҳам жорий этилмоқда.

Хуллас, Тошкент метрополитени йўловчиларга қулай ва замонавий хизматлар кўрсатиш борасида доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Буларнинг барчаси метрополитенимизнинг нафақат тез ҳамда ишончли, балки замонавий ва йўловчилар учун қулай транспорт воситаси эканлигини тасдиқлайди. Келгусида метрополитенда янада кўплаб янги технологиялар ва хизматлар жорий этилади. Транспорт-коммуникация тизимини янада такомиллаштириш доирасида пойтахтимизда метро йўналишларини узайтириш бўйича давом этаётган бунёдкорлик ишларини ҳам фаровонлик йўлидаги навбатдаги муҳим ишлар сирасига киритсак мақсадга мувофиқ.

**Суҳроб НОРҚУЛОВ,**
**Транспорт вазирлиги ҳузуридаги «Тошкент метрополитени» ДУК бошлиғининг илмий-инновацион ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари.**

**Болалар миллий тиббиёт марказининг бир гуруҳ шифокорлари «Саломатлик марафони» доирасида Нукус шаҳрида юқори технологик операциялар ўтказмоқда.**

# УЗУМЧИЛИК: МЕҲНАТИ ОҒИР, ДАРОМАДИ ЗЎР ТАРМОҚ



*БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳисоботига кўра, ҳар йили дунё бўйича 10 млн. гектардаги токзорлардан жами 74 млн. тонна атрофида ҳосил етиштирилмоқда. Италия, Хитой, Туркия, Франция, Молдова, Чили, Грузия, Арманистон, Ўзбекистон, АҚШ, Эрон асосий узум етиштирувчилар ҳисобланади ва дунёда ишлаб чиқарилаётган узум ҳосилининг 70 — 75 фоизи айнан шу давлатларга тўғри келади.*

**Таҳлил**

Яна бир маълумот: Ўзбекистон шу йилнинг олти ойи ичида 67 та давлатга қиймати 98,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 84,1 минг тонна узум (майиз билан бирга) экспорт қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 51,6 минг тонна ёки 2,6 баробар кўп. Аслида, бу чегара бўлмаслиги керак. Чунки дунёнинг аксарият давлатларидаги аҳоли шифобахшликда тенги йўқ ўзбек узумлари, мўъжизавий кучга эга майизларию хуштаъм неъматлари ҳақида ҳеч нарса билмайди. Шу боис давлатимиз раҳбари хориждаги элчиларимизга янгидан-янги ҳамкорлар топиш, экспортни кўпайтириш топшириғини бергани бежиз эмас.

Шунингдек, Президентимизнинг 2021 йил 28 июлдаги "Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2023 йил 3 августдаги "2023 — 2026 йилларда узумчилик ва виночилик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари тармоқни янада равнақ топтиришга, замонавий техника ва технологияларни қўллашга имкон яратмоқда. Бу борада олимларнинг саъй-ҳаракатини ҳам таъкидлаш лозим.

— Тажриба даламизда узумнинг 1812 та нави экилиб, тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда, — дейди Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти директори Зафар Зияев. — Бундай катта миқдордаги узум навлари сақланиб, кўпайтирилаётган генбанк дунёнинг саноқли давлатларидагина борлигини айтиш жоиз. Яқинда франциялик олимлар ўзларида 50 йил аввал токларда учраган хавфли касаллик туфайли йўқолиб кетган узум уруғини шу ердан топишди. Айни пайтда узум уруғлари ва қаламчаларини кўпайтириш, янги навлар яратиш борасида маҳаллий боғбонлар қатори халқаро илмий марказлар ва олимлар билан яқин ҳамкорликда ишлаяпмиз. Бу, ўз навбатида, ўсимликлар генетик ресурслари банкини бойитишга хизмат қиляпти.

## Ташаббусга тушов бўлмаса

— Узумчиликка қўл урган киши йилбўйи меҳнат қилади, натижа, албатта, шунга яраша бўлади, — дейди Ўзбекистон туманида яшовчи миришкор Низомжон Абдуллаев. — Ҳовлимизда бор-йўғи тўрт туп ток бор, аммо мана шунинггина ҳосили бутун маҳаллага етиб ортяпти. Чунки ток илдизи, унинг танаси мудом парваришда. Томорқага йилбўйи маҳаллий ўғит ташлаймиз, вақти-вақти билан минерал ўғит, кимёвий воситалар ҳам ишлатамиз — ҳаммаси расамади билан. Бу йил ярим тоннадан ошиқ узум сотдик. Бу ўзимиздан ортганидан ташқари. Катта ўғлимни ўтган йил янги ҳовлига кўчирдик. "Дада, менга ҳам узумзор қилиб беринг", деяпти. Албатта, дедим, ҳозир қаламчалар тайёрлаб қўйганман, кўклам келса экамиз.

Менимча, ҳар бир маҳаллада, мактабларда қисқа муддатли бўлса-да, деҳқончилик курсларини ташкил этиш керак. Токи ўсмирлар оила қургунча деҳқончилик илмидан озми-кўпми, бохабар бўлсин, узум новдаларини кесишни, хомток қилишни, ерга қандай ишлов берилади-ю, нима экса катта фойда кўради, ҳаммасини ўрганиб олсин, дейман. Ҳосилнинг салмоғи айнан билим ва зукколикка боғлиқ. Агар биз аҳолининг деҳқончилик бўйича саводхонлигини ошириш орқали узум ҳосилини ҳеч бўлмаганда ҳар бир ҳовли ҳисобига 10 килога кўпайтира олсак борми, э-ҳе, мамлакат бўйича бу ниҳоятда катта рақамга айланади.

Китоблик тажрибали боғбон, экспортчи тадбиркор-олим Зарип Бурҳонов айтганидек, бу заминда унган неъматлар бебаҳо, ҳар қанча мақтовга лойиқ. Турли ранг ва таъмга эга бўлган узум қатори майизни ҳам қони камайиб кетган одам еса тез орада кучга тўлади, дардини унутади. Ана шундай мўъжизавий неъматни сақлаш ва кейинчалик экспортга йўналтириш учун давлатимиз раҳбари томонидан берилган рағбат туфайли республикамиз бўйича умумий сиғими 1 млн. 254 минг тонна бўлган 1 951 та замонавий омбор бунёд этилган. Бу омборлар айни чоғда пешма-пеш маҳсулотга тўлдириляпти. Аммо тадбиркорларни қиш кунлари мабодо кун исиб кетса ёки ҳаво ҳаддан зиёд совиса электр ўчадими, йўқми, ана шу нарса кўпроқ ташвишга соляпти. Чунки омборда ҳарорат ва ҳавонинг айланиб туриши жуда муҳим. Пули олдиндан тўланган электр эса мутлақо ўчмаслиги лозим.

Минг афсуски, бунга кафолат йўқ. Устига-устак электрни ўчириб-ёқиш калити туман ё вилоятда эмас, пойтахтда. Унга икки-уч минг тонна маҳсулот сақлайдиган тадбиркорнинг қўли тугул овози ҳам етмайди. Балки сиз қуёш панели ўрнатсин, энергияни ўзи ишлаб чиқарсин дерсиз. Бу ҳақ гап, аммо мевалару узум сақланадиган омборнинг энергия талаби шу қадар каттаки, уни қоплашга қуёш панели ишлаб чиқарадиган қувват етмайди. Агар ана шу муаммо тадбиркорни хавотирга солмаса у яна ва яна омборлар қуришга, фаолиятини кенгайтиришга интилади. Чунки узум ва унинг маҳсулотларини ички бозорга сотгандан кўра хорижга чиқариш кони фойда-да.

— Шўро замонида "Китоб" агрофирмасида раҳбар эдим, минглаб гектар узумзордан чиққан маҳсулотнинг бир қисмини ички бозорга, яна бир қисмини заводимизда винога айлантириб, Россиядаги шаҳарларга жўнатардик. Фойдаси катта бўлган, — дея хотирлайди Зарип Бурҳонов. — Ўша маҳаллар биз Россия ва бошқа жойларга бочкаларда етказган шарбату винолар чиройли шишаларга қуйилар, тамға босилиб, қайта савдога чиқариларди. Ёзилмаган қоида шунақа эди. Ҳатто, бир гал Қримдаги санаторийда 50 йиллик ноёб вино, деб нуфузли даврада тақдим этишди. Ҳамкорларим эса ҳайрат билан шишани қўлларига олиб, айлантириб кўришди. Татиб кўргач сездимки, ҳид ҳам, таъм ҳам таниш — 25 йиллик тажрибаси бор мутахассис буни яхши англайди. Суриштириб билдимки, ўзимиз тайёрлаган маҳсулот. Яқин-яқингача шундай эди, бугун эса вазият буткул ўзгарган. Президент четга хомашё сотишни эмас, қўшимча қиймат яратиш, сўнг экспортга йўналтиришни айтяпти, бу оқилона иш. Фақат маҳсулотни хом-хатала ҳолида ёхуд арзон-гаровга эмас, чуқур қайта ишлаб, замонавий русумда қадоқлаб, идишнинг белбоғию қалпоғига Ўзбекистон тамғасини босиб экспортга йўналтириш керак. Боғбонни ҳам, қайта ишловчи қатори тадбиркору давлатни ҳам бой қилиш йўли бу. Ахир сифатли узумдан тайёрланган бир шиша винонинг айрим турлари дунё бозорида 500 — 1000 доллардан кам эмас. Шундай бўлгач, чиройли қадоқлаш, винога Ўзбекистон тамғасини босиш ва нозиктаъб харидор топиш наҳотки қўлимиздан келмайди?..

> *Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотига кўра, республикамиз бўйича бугунги кунда 225 минг гектардан ортиқ токзорлар мавжуд бўлиб, шунинг 150 минг гектарга яқини фермерлар ихтиёрида, қолгани эса деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида. Мавжуд токзорларнинг қарийб 90 минг гектарини хўраки, 45 минг гектаридан кўпроғини кишмиш, 7,1 минг гектарини саноатбоп навлар ташкил этади.*

## Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

Уста боғбонларнинг эътироф этишича, узумлардан тайёрланган шарбату винолар, майизларнинг довруғи дунёга таралган. Дейлик, Учқора майизини таърифлашга тил ожиз. Юртимизнинг исталган жойида, айниқса, Қўшработу Иштихон томонларда деҳқон бозорига тушинг, қиш чилласида ҳам энг сара майизни топасиз. Бу туманлар аҳолиси учун қир бағрида майизбоп узум етиштириш кўп асрлик касбга айланиб улгурган.

Қолаверса, Президент қарорига кўра ҳар йили август-сентябрь ойларида Тошкент вилоятида халқаро даражада узум сайли, виночилик фестивали ўтказилаётгани ҳам эътиборга молик. Ҳар гал бу тадбирларда Италия виночилик уюшмаси раҳбари Леонардо Коммучи, "Марчеси Фрессобалди" инновация ва виночилик бозори маданияти компанияси вакили Симоне Фаббри, шунингдек, Сербия, Россия, Жанубий Корея, Сингапур, Беларусь, Грузия, Озарбайжон каби 30 дан ортиқ давлатлардан мутахассислар иштирок этишаётир.

— Мана шундай фестивалларни бошқа вилоятлар марказларида, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари туризм шаҳарларида мунтазам ўтказиб бўлмайдими? Бунинг учун ҳам давлат раҳбари топшириқ бериши керакми? — дея куйинади жомбойлик фермер Аслиддин Салоҳиддинов. — Ахир биз шу орқали юртимиз неъматларини кўз-кўз қилишимиз мумкин-ку.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотига кўра, республикамиз бўйича бугунги кунда 225 минг гектардан ортиқ токзорлар мавжуд бўлиб, шунинг 150 минг гектарга яқини фермерлар ихтиёрида, қолгани эса деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида. Мавжуд токзорларнинг қарийб 90 минг гектарини хўраки, 45 минг гектаридан кўпроғини кишмиш, 7,1 минг гектарини саноатбоп навлар ташкил этади. Бу йил номи тез-тез тилга олинаётган "Qoshrabot Agro Star" МЧЖ ихтиёридаги 32 минг гектардан ортиқ майдондаги кишмишбоп узумзорлардан қарийб 93 минг тонна майиз тайёрлаш мўлжалланмоқда. Шунингдек, жорий йилда томчилатиб суғориш тизими ўрнатилган 10 100 гектарда янги токзорлар барпо этилади. Шу тариқа бу пайкалларда обиҳаётдан фойдаланиш самарадорлиги 5 карра оширилади. Биргина Наманган вилоятида эса 202 нафар тадбиркор томонидан сув чиқариш қийин бўлган 3,4 минг гектар ер токзорга айлантирилмоқда.

— Даромадни кўпайтириш навга эътибор, янги узумзорлар яратиш қатори тармоқда уддабурон тадбиркорларнинг кўпайишига ҳам боғлиқ. Бу хориж тажрибасини қўллаш ва агротехникани янада такомиллаштиришга ҳам имкон яратади. Масалан, Олтиариқ туманида бундан беш йил аввал "Хайрулло Баҳром Бойматов" фермер хўжалиги томонидан 75 гектарда узумчилик плантацияси ташкил этилган эди. Айни чоғда мулкдор жами 3 минг тонна узум етиштиришни, маҳсулотнинг асосий қисмини четга сотишни кўзлаяпти, — дейди Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти масъул ходими Муҳаммадбобирмирзо Олимов. — Қизиғи, мазкур далага илгари пахта экилган ва ҳосилдорлик 25 центнердан ошмаган. Фермер узумчилик юқори даромад манбаи эканлигини амалда исботлади. Пахта даласи ўрнида токзор барпо этилгач, фермер хўжалигида мавсумий юмушлар билан бирга 700 кишининг бандлиги таъминланди. Ердан олинаётган умумий даромад пахтага нисбатан ўн карра ошди. Бундан ташқари, мазкур узумзорда ток ораларига тарвуз, қовун, помидор, қалампир, булғор қалампири ва бошқа сабзавотлар экилган. Мулкдор токзор ёнида 2 минг тонна сиғимга эга бўлган совиткичли омбор қурди ва шу ерда сақланиб сараланган маҳсулотлар Туркия ва МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Мана, сизга узумнинг хосияти, тадбиркорнинг ибратли фаолияти. Шундай жонкуярлар ҳар бир туманда камида уч-тўрт нафардан бўлсаю улар фақат узум етиштириш ва уни сақлаш билан эмас, балки майиз ҳолида, винолар кўринишида ҳам экспортни йўлга қўйса натижа тезда кўзга ташланади, даромаднинг кескин ошиши эса барча муаммоларга барҳам беради.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ҚОЛИБ КЕТСА — ФАЛОКАТ, ҚАЙТА ИШЛАНСА — ДАРОМАД

*Маиший чиқиндилар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Атиги бир кунда чиқадиган чиқиндилар тўғри бошқарилмаса, табиатга ҳам, инсон саломатлигига ҳам оғир оқибат келтириши мумкин. Улар тупроққа, сувга ва ҳавога аралашиб, атроф-муҳитдаги экологик мувозанатни бузади, турли аллергиялар, ўпка ва тери касалликлари, ҳатто саратонга етакловчи хасталиклар хавфини оширади. Шу боис чиқиндиларни қайта ишлашга ривожланган давлатларда муҳим экологик масалалардан бири сифатида қаралади.*

**Долзарб мавзу**

Андижон вилояти бўйича ҳар куни 2500 — 3000 тоннагача маиший чиқинди ҳосил бўлади. Бу чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича ҳозирча 15 та корхона фаолият олиб бормоқда. Улар қоғоз, пластик, полиэтилен, салафан ва резина маҳсулотларини саралаб, уй-рўзғорда фойдаланиладиган иккиламчи товарлар тайёрламоқда. Тайёр маҳсулотлар ички бозорда сотилиши баробарида Қозоғистон ва Қирғизистон каби қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Шунингдек, 1500 тонна чиқиндини ёқиб, 40 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқарувчи завод қуриш бўйича ҳаракатлар бошланган. Завод Хўжаобод туманида барпо этилмоқда ва у ишга тушгандан сўнг камида 100 та хонадонни электр энергияси билан таъминлай олади.

— Бироқ амалга оширилаётган ишлар ҳажми вилоятдаги умумий чиқиндилар тўпланишини ҳисобга олган ҳолда етарли эмас, — дейди меҳнат фахрийси Шаробиддин Асқаров. — Бугунги кунда қайта ишлашга жалб этилаётган чиқиндилар миқдори 4 фоиз атрофида, холос. Ҳар куни чиқадиган 2500 — 3000 тонна чиқиндидан бор-йўғи 100 — 120 тоннаси қайта ишланмоқда, қолгани эса полигонларга ташланади ёки бошқа шаклда йўқ қилинади. Тасаввур этинг, ҳар куни тахминан 2700 тонна чиқинди қайта ишланмасдан қолиб кетяпти. Бу нафақат иқтисодий йўқотиш, балки табиий муҳит учун тўғридан-тўғри таҳдид ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, қайта ишлаш кўрсаткичини 50 фоизга етказиш учун камида яна 8 — 10 та юқори қувватли, замонавий ускуналарга эга корхоналарни ташкил этиш талаб қилинади. Бу корхоналарни қуриш учун сармоядорларга янада кенг имкониятлар, жумладан, "экосаноат зоналари", техника ва ускуналар импортида божхона имтиёзлари, давлат-хусусий шериклик асосида ер ажратиш ва ресурс тақдим қилиш механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

— Аввал чиқиндиларни йиғишнинг ўзи муаммо эди, — дейди меҳнат фахрийси Абдуллажон Исматов. — Ҳозир қайта ишлашни ҳам ўрганяпмиз. Бир пайтлар мен хизмат қилган заводда ҳам темир ва пластмасса қолдиқларини қайта ишлаш бўлими бор эди. Бугунги кунда заводларда бундай имкониятлар мавжуд эмас. Шу боис тадбиркорларга қулай шароит яратиш лозим, токи улар ишлаб чиқариш кўламини оширсин. Бусиз иложи йўқ! Ахир ўзингиз ўйланг, чиқиндиларнинг аксарият қисми юз йилдан минг йилгача бўлган муддат ичида чиримайди ва бу давр мобайнида атрофга зарар етказади, холос. Шунинг учун уларни маълум бир жойга кўмиб ташлаш масаланинг ечими ҳисобланмайди. Хўш, ривожланган мамлакатларда бу борада қандай натижалар бор? Масалан, Германияда маиший чиқиндиларнинг тахминан 67 фоизи қайта ишланади. Жанубий Кореяда 80 фоиздан ошган. Швейцарияда алюминий каби материаллар 90 фоизгача қайта ишланади. Бразилияда эса алюминий банкалар 98 фоизгача қайта ишланади.

Чиқиндини кераксиз нарса эмас, ресурс сифатида кўра олган мамлакатлар экологик хавфни камайтириш билан бирга, иқтисодий самара олишга ҳам эришяпти. Афсуски, бизда ҳозирча бундай ёндашув оммалашмаган. Шунинг учун бу борадаги вазифаларни шакллантириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Масалага тўғри ёндашилса чиқинди муаммо эмас, балки хазинанинг бир тури эканлигига амин бўламиз. Уни ресурсга айлантириш, табиат ва инсон саломатлигини асраш, иқтисодиётга қўшимча қувват беришнинг имкони бор. Эндиликда чиқиндиларни қайта ишлашда янги инновацияларни жорий этиш вақти келди. Ана шу йўл билангина, биз мамлакатимизнинг экологик барқарорлигини таъминлай оламиз.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЭГАСИ МИНГ ПОЙЛАСИН...

*Яқинда Нурота туманидаги Сойкечар қишлоғининг мол бозорида ўғрилик содир бўлди: номаълум шахслар қорамол сотган фуқаронинг 22 миллион сўм пулини автомашинаси салонидан ўмариб кетди. "Болаларга у бу олиш учун бозорга қайтиб киргандим", дейди жабрланувчи ҳалиям пули йўқолганига ишониб-ишонмай.*

**Ҳушёрликка чорлов**



"Эгаси минг пойласин, ўғрининг бир пойлагани..." деб шунга айтишса керакда. Туман ички ишлар бўлими тезкор ходимлари бозор атрофига ўрнатилган кузатув камералари хотирасини текшириб, ҳудуд учун бегона бўлган "Спарк" автомашинасини топишди. Тасвирларда автомашина соҳибининг юзини таниш имкони бўлмаса-да, давлат рақамлари аниқ-тиниқ қайд этилгани боис тезкор чора-тадбирлар, суриштирув ишлари бошланди.

Автоулов ўша куни Фарғона ва Андижонда истиқомат қилувчи шахслар томонидан Тошкент шаҳрида ижарага олингани аниқланди. Ва ашёвий далиллар ёрдамида айбдорлар айбига иқрор бўлди. Албатта, бунда кузатув қурилмасидаги қайдлар айбланувчиларнинг Навоий шаҳридаги хусусий меҳмонхоналарда рўйхатдан ўтмай тунаши, уларнинг ёнидан чиққан юртимиз ҳудудидаги бозорлар иш жадвали ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Ахборот ва рақамли технологиялар ёрдамида иссиғида очилаётган бундай жиноятларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ илғор технологиялардан фойдаланиб, ўзларининг қабиҳ ниятларини амалга ошираётган, соддадил минглаб фуқароларнинг моддий бойликларини ўмараётганлар ҳам кам эмас. Айниқса, сўнгги пайтларда банк пластик карталаридаги пулларнинг ноқонуний ўзлаштирилиши, маблағларнинг номаълум шахслар томонидан ечиб олиниши билан боғлиқ мурожаатлар кўпаяётганлиги барчада хавотир уйғотмоқда.

Биргина Навоий вилояти мисолида олсак, ўтган 8 ой давомида жами содир этилган жиноятларнинг 38,3 фоизини, яъни умумий 2838 та жиноятдан 1088 тасини кибержиноятлар ташкил қилишининг гувоҳи бўламиз.

— Ҳуқуқий контекстларда "кибержиноят" деб аталадиган бундай қонунбузарлик кенг қамровли зарарли ҳаракатларни ўз ичига олади, — дейди Навоий вилояти ички ишлар бошқармасининг Ахборот технологиялари соҳасида жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси масъул ходими Шокир Ҳазратқулов. — Улар электрон почта ва интернетда фирибгарлик, рақамли идентификацияни ўғирлаш, киберўғрилик, жумладан, молиявий ёки карта тўловлари маълумотларини рухсатсиз олиш, корпоратив маълумотларни ўғирлаш ва қайта сотиш, тақиқланган товарларни онлайн сотиш, шахснинг маълумотларини тарқатиш билан таҳдид қилиш орқали товламачилик каби ўндан ошиқ йўналишларни ўз ичига олади. Бугун вилоят ҳудудида банк пластик карталаридаги пулларни талон-торож қилиш билан боғлиқ содир этилаётган жиноятлар салмоғи кун сайин ошиб, аксарият ҳолларда фуқароларимиз ўзларининг ишонувчанлиги билан жиноятчиларга "ёрдам" бераётганлигини ҳам айтиш жоиз.

Сўнгги маълумотларга кўра, киберфирибгарларга бу тахлит "чув" тушиш ҳолатлари қатор ривожланган давлатларда камаймоқда. Сабаби, "текин пишлоқ фақат қопқонда" бўлишини улар аллақачон англаб етишган.

> *Биргина Навоий вилояти мисолида олсак, ўтган 8 ой давомида жами содир этилган жиноятларнинг 38,3 фоизини, яъни умумий 2838 та жиноятдан 1088 тасини кибержиноятлар ташкил қилишининг гувоҳи бўламиз.*

Шу боис содир этилаётган кибержиноятлар миқёси ва долзарблигидан келиб чиққан ҳолда жорий йил 30 апрелдаги "Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори асосида Ички ишлар вазирлиги, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг ҳар бирига кибержиноятларнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг кибермаданиятини юксалтиришга қаратилган барча зарур чораларни кўриш бўйича қатъий топшириқлар белгилаб берилди.

Хусусан, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари учун ўз кундалик фаолиятини ташкил этишда мижозларининг манфаати ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланди. Шу асосда банклар пул ўтказмаларини амалга оширишда фуқаро ўзи тасдиқлаган кодни юбориш тизими ва бошқа бир қатор чекловлар жорий этилди. Албатта, бу фуқароларнинг пул маблағлари ва шахсий маълумотини ҳимоя қилишга қаратилган. Бироқ ишонувчанлик ҳамон давом этмоқда.

Масалан, яқинда Зарафшон шаҳрилик фуқаро ўзига тегишли уйини сотиб, киберфирибгарлар тузоғига илиниб қолади. Фирибгарлар фуқарога осон пул топиш йўлини таклиф этиб, уйини сотишдан тушган 450 миллион сўм пулни 30 марта ўтказиб, ҳар сафар пул ўтказиш операцияси кодини олиш орқали ўзлаштириб олган. Ўз маблағини қўшқўллаб фирибгарларга топшираётган бундай фуқароларимиз ҳам кам эмас.

— Бу масалада фуқароларнинг позицияси аниқ ва тизимли бўлиши лозим, — дея давом этади Ш. Ҳазратқулов. — Сабаби, фирибгарлар томонидан ҳозирги кунда энг оммалашган коммуникация тармоқларидан бири — "телеграм" мессенжери орқали турли кўринишдаги киберҳужумлар содир этилмоқда. Улардан файл кўриниши ".apk" кенгайтмали зарарли дастурларни мисол сифатида келтириш мумкин. Биргина "Тўйга таклифнома", "Расмдаги сизми?", "Суд қарори" ва шу каби фуқароларни қизиқтирувчи турли хил сарлавҳа билан номланган вирусли дастурлар орқали аҳолининг ишонувчан қисмини алдаб, шахсий маълумотини эгаллаган ҳолда банк карталарида мавжуд бўлган маблағларни яширинча талон-торож қилиш ҳоллари ҳам содир бўлаётир. Афсуски, бундай ҳолатларда фуқароларимиз фирибгарларнинг турли кўринишдаги алдов билан осон пул топиш ваъдаларига ишониб, пулларини беихтиёр нотаниш шахслар ихтиёрига топшираётгани ҳам бор гап.

Бундай вазиятларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармасининг Ахборот технологиялари соҳасида жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси томонидан махсус "@navoiycyberbot" телеграм боти яратилди. Мазкур бот телеграм гуруҳларга турли профил эгаларидан келаётган ".apk" форматидаги вирусли файлларни аниқлаб, ўз вақтида зарарсизлантириш чораларини кўриш билан бир қаторда, ушбу гуруҳларга кибермакондаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва фуқароларни кибержиноятлар оқибатларидан огоҳлантиришга қаратилган тарғибот материаллари билан таништириб боради. Шу жиҳатдан, бугунги илғор технологиялар замонида ҳар бир инсон ахборот хавфсизлигига қатъий риоя қилган ҳолда банк пластик карталаридаги маълумотларни учинчи шахслардан сир тутиши лозим. Акс ҳолда, электрон ҳамённинг қулайлигидан фирибгарлар фойдаланиши муқаррар.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Мамлакатимизда 5 октябрь — 5 ноябрь саналари оралиғида «Мен Ватанимнинг юзиман» номли акция ташкил этилади.**

# МАЪНАВИЯТ – ТАРБИЯ КАЛИТИ

*Маънавият — аввало, инсоннинг ички дунёси, ахлоқий қадриятлари, руҳий баркамоллиги, билим ва тафаккури билан боғлиқ тушунча. Маънавият одамни руҳан покланиш, қалбан улғайишга ундайдиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч. Тўғри, аксарият соҳаларда натижадорлик, самарадорлик аниқ мисоллар, рақамлар, кўрсаткичларда ўз ифодасини топади. Маънавий, маърифий соҳадаги ҳаракатлар, ишлар натижаси эса инсонларнинг* онги ва тафаккуридаги, дунёқарашидаги, ҳаётга бўлган муносабатидаги ижобий ўзгаришлар *билан ўлчанади.*



## ■ Нуқтаи назар

### Қадриятларга садоқат

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтмоқчиман: *“Барча ўзгаришлар, аввало, одамларнинг онгидаги ўзгариш туфайли рўй беради. Замонга муносиб бўлиб иш кўриш лозим. Шунинг учун маънавий соҳада 5 йил олдин юрмасак, иқтисодиёт ривожланмайди”.* Бугун юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган қараши, интилишлари, ислоҳотлар, ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси, мақсадлари, эртанги кунга умидлари юксалиб боряпти. Бугунги одам билан ўн йил аввалги одамнинг дунёқарашини, ҳаётий позициясини солиштириб бўлмайди. Бугун ёшу кекса шиддатли воқеликларни теран идрок этмоқда, ҳар бир йўналишда кечаётган ислоҳотларнинг моҳиятини чуқур англаб етяпти. Бугун ота-оналар шиддатли давр, таҳликали замон, технологиялар асрида *тарбия ва таълим* ниҳоятда муҳимлигини англаяпти, фарзандлар таълимига инвестиция киритаётир. Бугун юртимиз ёшлари буюк инсонлар авлодлари эканини тушуниб, уларга муносиб бўлишга, қадриятларга содиқ қолишга, маърифатни маҳкам тутишга интиляпти. Ўз салоҳияти, билими билан юрт равнақига ҳисса қўшишга чоғланяпти. Турли соҳаларда Ватанимизни дунёга танитяпти. Бугун жамиятда *бирдамлик* ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ бўй кўрсатяпти. Бошқача айтганда, биз маънавиятнинг кўрсаткичини — *миллий анъанаю қадриятларга содиқлик, нуронийларимизнинг донишмандлиги, ёшларимизнинг эзгу мақсаду интилишлари, муаммоли масалаларга ёндашувдаги баҳамжиҳатлик, бирдамлик, жамиятдаги миллий руҳ, миллий тафаккур* билан ўлчаган бўлардик.

### Мард қолур майдон ичинда

Биз бугун шундай замонда яшаяпмизки, янгиликлар, ўзгаришлар ниҳоятда шиддатли. Ахборотлар оқими чексиз. Шу билан бирга, маънавий таҳдидлар жуда кўп. Навқирон авлоднинг маълум қисми телефон асирига айланганни ҳам бор гап. Уларнинг эътиборини телефондан олинаётган ахборотдан ҳам жозибали, таъсирчан маълумотлар билан жалб этиш бизнинг вазифамиз. Кузатяпмиз, кўряпмиз, айни даврда турли ёт ғояларни сингдиришга, “оммавий маданият”ни тарғиб қилишга уринишлар бўлмоқда. Энг аввало, инсон онги ва қалбини эгаллашга интилиш кучли. Бундай мураккаб вазиятда илм-маърифатни маҳкам тутиш, жамиятда “маънавий иммунитет”ни мустаҳкамлаш ҳар жиҳатдан муҳим. Буни қандай амалга оширамиз?! Албатта, илм-фан тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган мутафаккир боболар қолдирган бой илмий-маънавий манбага суяниб, ўзи ҳам, қалби ҳам уйғоқ зиёлилар, олимлар, чинакам эл жонкуярлари салоҳиятидан фойдаланиб! Зеро, юрт етакчиси таъкидлаганидек, Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. Шу ҳақиқатни теран идрок этган ҳолда Марказ ўз атрофига юрт зиёлиларини жамлаб, улар учун мулоқот минбарини ташкил қилди. Ўз навбатида, олдинга қўйилган мақсадга самара билан эришиш учун Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, кучларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирди.

### Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс

Айнан ана шу ҳамкорликнинг муваффақиятли намунаси сифатида *“Маърифат карвони”* лойиҳасини келтириш мумкин. Унда бугунги ислоҳотлар моҳиятини айнан зиёлилар орқали халққа етказдик. Янги Ўзбекистондаги янгиланишлар, ўзгаришларни нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамияти эътироф этяпти. Инсон қадрияти, инсон манфаатига қаратилган ҳар бир ислоҳот бизнинг ҳаётимизда, фикрларимиз, қарашларимизда намоён бўляпти. Бу саъй-ҳаракатларни теран идрок этган одамда юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортади, шукронаси юксалади. Бу масалага зиёлиларимиз таъсирчан усуллар, замонавий тарғибот кўникмалари билан ёндашади. Шу боис ҳам республикамиз бўйлаб кезган карвонга мамлакатимиз олимлари, журналистлар, диний-маърифий ҳамда маданият ва санъат соҳаси вакилларидан иборат юзга яқин тарғибот гуруҳлари аъзолари жалб қилинди.

Тадбирлар дастурига эътибор қаратсангиз, ҳар бир лойиҳа йўналиш ва мазмун жиҳатдан юқоридаги мақсадларга ҳамоҳанг. Хусусан, *“Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс”* илмий-маърифий форуми — бугунги изчил ислоҳотлар, ўзгаришу янгиланишлар мазмунини аҳолига етказиш ва бу орқали ҳар бир юртдошимизда шу юртга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, қалбларда шукроналик туйғусини ошириш, илмга, маърифатга ошно этишдек масъулиятли ва залварли миссияга қаратилган бўлса, *“Цивилизациялар — Шахслар — Кашфиётлар”* лойиҳаси орқали олимлар томонидан ишланаётган илмий-инновацион лойиҳалар тақдим этилди. Буюк аждодларимизнинг маданий меросини кенг тарғиб қилиш, аҳоли орасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини кучайтириш мақсадида *“Тирик тарих”* лойиҳаси доирасида миллий кинофильмлар, қисқа метражли анимацион фильмлар, сунъий интеллект ёрдамида тайёрланган медиамаҳсулотлар, ижтимоий роликлар намойиш этилмоқда. Бу лойиҳа каттаю кичикка ҳам маданий, ҳам маънавий озуқа улашади.

Яна бир ўзига хос лойиҳа — *“Фаровон ҳаёт сари илк қадам”.* Унинг доирасида маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш, ёшлар ўртасида ўз-ўзини банд қилишга кўмаклашиш мақсадида мутахассис ва тадбиркорлар иштирокида амалий маҳорат дарслари ўтиляпти. Миллий қадриятлар тарғиботи, тўй ва маросимларни ихчамлаштириш бўйича давра суҳбатлари, оилалардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда психологик кўмак кўрсатишга қаратилган семинар-тренинглар уюштириляпти. *“Олимлар ва ёшлар учрашуви”, “Ижтимоий ғоялар”* форуми эса креатив ғоялари бор йигит-қизлар учун айни муддао, дейиш мумкин. Унда ўғил-қизларимизнинг стартап лойиҳалар ҳақидаги фикрлари, ташаббусларига эътибор қаратилди.

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамини муносиб нишонлаш, чекка туманлардаги маҳаллалар ва овулларда янги миллий руҳиятни янада кучайтириш ҳамда жамият бирдамлигини таъминлаш мақсадида *“Ватан учун, миллат учун, халқ учун!”* шиори остида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида август ойида *“Умуммиллий бирдамлик фестивали”* ўтказилди. Унинг доирасида *10 та ижтимоий лойиҳа, хусусан,* “Инсон қадри”, “Фаровон ҳаётга илк қадам”, “Шижоат”, “Умуммиллий бирдамлик”, “Дилдаги гаплар”, “Бахтли болалик шарафига”, “Китоб марафони”, “Маслаҳат оши” каби лойиҳалар, “Қасамёд” спектакли, гала-концерт ташкил қилинди. Олимлар, зиёлилар, шоир-ёзувчилар, маданият ва санъат вакилларидан иборат 79 нафар республика ҳамда 254 нафар маҳаллий тарғиботчи жалб қилинди, 100 та туман (шаҳар)даги 1412 та маҳаллада 284 та маънавий-маърифий тадбир ўтказилиб, 2 миллиондан зиёд аҳоли қамраб олинди. *“Китоб марафони”* лойиҳаси доирасида ҳудудлардаги ёш китобхонларга 10 500 дан ортиқ китоблар тўплами тарқатилди.

Эътиборли жиҳати, маънавият фестивали илк бора АҚШда ҳам бўлиб ўтди. Унда ватандошларимиз ўзгача шижоат билан қатнашди. Айтиш керакки, фестиваль доирасидаги тадбирларда инсон манфаати йўлидаги ислоҳотлар самараси яна бир карра эътироф этилди.

### Китобнинг жонли ижроси

Марказ фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири жамиятда китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришдир.

Менимча, китоб, мутолаа, унинг инсон камолотидаги ўрни мавзуси ҳар бир инсонни жўшиб гапиришга ундайди. Чиндан ҳам, китоб — одамзод яратган энг зўр мўъжиза. Беминнат дўст, яхши суҳбатдош, тўғри маслаҳатгўй бўлиши билан бирга китоб маънавият, тарбиянинг калити ҳамдир. Бир китобда ўқигандим, мутолаадан йироқ бўлиш, унга эътиборсиз қараш гўзал сўзлашув қобилияти йўқолишига олиб келади. Қалбда тушкунлик, ақлда мадорсизлик вужудга келади. Инсон табиати ўлади, маърифат сармояси тугайди. Шу фикрнинг ўзиёқ ҳаётимизда, камолотимизда унинг ўрни қанчалик муҳимлигини ифодалайди. Миллатнинг маънавий дунёси, ахлоқий қарашларини китобга муносабати, китобхонлик даражасига қараб аниқлаш мумкин. Бугун юртимизда ёшларни китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтириш, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга жиддий эътибор қаратиляпти. Ҳатто китоб ўқиган йигит-қизлар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Маънавиятнинг калити китоб дедик, демакки, жамиятдаги маънавий муҳитга бевосита масъул ташкилот сифатида Марказ миссиясини китоб, китобхонлик, мутолаа тарғиботисиз тасаввур қилиш қийин. Бу масалага биз замонавий ёндашишга интиляпмиз. Чунки фарзандларимиз смартфон, гаджетлар билан яқин дўст тутинаётган бугунги даврда уларни анъанавий тарғибот усуллари билан мутолаага қизиқтириш мушкул. Бу йўналишдаги самарали ҳаракатларимиздан бири *“Уй”* номли қисқа метражли анимацион фильмдир. Шунингдек, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан мунтазам равишда *“Тавсия этамиз”* номли медиалойиҳа ҳам тайёрланмоқда. У орқали ёзувчи, шоир, олим, санъат ва маданият вакиллари ўзлари севиб мутолаа қиладиган адабиётларни мазмун жиҳатдан қисқача шарҳлаб, ўқувчиларга тавсия этади.

> **“ *Китоб тарғиботига қаратилган лойиҳаларимиздан яна бири — “Китобларaро 80 кун” деб номланган. Марказнинг “Ойина.уз” портали томонидан ўтказилган 4 босқичли ушбу марафонда жами 36 026 нафар иштирокчи қатнашди. Салкам уч ой давомида ёшлар биргаликда замонавий ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини мутолаа қилишди, мазмунан мушоҳада юритишди. Босқичларда ҳар бир берилган асар бўйича тестдан ўтди, илмий-ижодий ёндашувга асосланган тақризлар ёзишди, аудио-мулоқот ташкил қилинди. Ва танлов сўнгида ҳақиқий китобсеварлар эътироф этилди.* ”**

Китоб тарғиботига қаратилган лойиҳаларимиздан яна бири — “Китобларaро 80 кун” деб номланган. Марказнинг “Ойина.уз” портали томонидан ўтказилган 4 босқичли ушбу марафонда жами 36 026 нафар иштирокчи қатнашди. Салкам уч ой давомида ёшлар биргаликда замонавий ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини мутолаа қилишди, мазмунан мушоҳада юритишди. Босқичларда ҳар бир берилган асар бўйича тестдан ўтди, илмий-ижодий ёндашувга асосланган тақризлар ёзишди, аудио-мулоқот ташкил қилинди. Ва танлов сўнгида ҳақиқий китобсеварлар эътироф этилди.

Бугунги кунда Марказ фаолиятида замонавий QR кодли китоблар тайёрланишига ҳам кенг ўрин берилган. Жумладан, 8 тилда *“Буюклар ҳақида 100 та факт”* номли китобча чоп қилинди. Унда буюк аждодларимиз махсус QR код ва сунъий интеллект ёрдамида жонлантирилди.

Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган 23 нафар аскар ва зобит қаҳрамонлигига бағишланган *“Миллат фидойилари”* номли китоб-альбом, “Она юрт фидойилари” туркуми остида жадид боболаримизнинг асарлари нашр этилди.

Қисқача айтганда, Марказнинг китоб тарғиботига қаратилган ҳаракатлари кучайса кучаядики, ҳеч ҳам сусаймайди.

Кайфиятдаги кўтаринкилик, руҳиятдаги ижобий ўзгариш бизнинг ҳаётимиз, кундалик фаолиятимиз, режаю мақсадларимизда намоён бўлади. *“Кинокарвон”* лойиҳамиз сабаб маърифат тарғиботчилари, санъат ва маданият намояндалари, таниқли ижодкорлар энг олис ва чекка қишлоқларда бўлмоқда. Лойиҳа доирасида миллий фильмларимиз кенг намойиш этилмоқда.

### Огоҳлик — давр талаби

Биз айни паллада рақамли даврда яшаяпмиз. Шунга монанд Марказ ўтган давр мобайнида замон талабидан келиб чиқиб, ўз фаолиятининг 70 фоизини рақамли тарғиботга йўналтирди. Марказдаги *Рақамли тарғибот лабораторияси*да турли мавзулар, долзарб масалалар юзасидан медиамаҳсулотлар, ижтимоий видеороликлар, подкастлар, ҳужжатли фильмлар, анимациялар тайёрланмоқда ва телеканаллар, ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка тақдим этиб келинмоқда. Биз миллий контентлар тайёрлашда айнан жамиятдаги етилган масалалар, инсонларни ўйлантираётган муаммоларга мурожаат қиляпмиз. Мисол учун, ижтимоий тармоқлардаги ахлоқсизлик, ҳаёсизлик тарғиб этилаётган видеолавҳалар, бемаъни чиқишлар, турли маросимларда меъёрни бузиш, атроф-муҳитга лоқайдлик, бепарволик, бизни кемираётган иллатлар, “оммавий маданият” кўринишлари масалаларида маънавият тарғиботчилари, зиёлилар иштирокида чуқур таҳлилий, танқидий муносабатлар билдирилмоқда. Қисқаси, рақамли тарғиботда бир жиҳатдан тарбиявий аҳамияти юқори, қадриятларимиз улуғланувчи, маънавий руҳга тўйинган медиамаҳсулотлар ишлашга эътибор қаратилаётган бўлса, яна бир томондан муаммоли масалалар борасида жамоатчилик мушоҳадага чорланяпти.

Яна бир муҳим масала: тан олишимиз керак, таълим муассасаларида ташкил қилинаётган аксарият маънавий-маърифий тадбирлар мақсадсиз, ёшлар учун зерикарли тус олган эди. Олий Мажлис Сенатининг сентябрь ойидаги ялпи мажлисида талабалар ўртасида жиноятчиликнинг ошиб бораётгани юзасидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирига парламент сўрови юборилди. Бу ҳол бизни ҳам ҳушёрликка чорлайди. Мазкур масалада ўзига хос ечим қилинди. Яъни таълим даргоҳлари учун маънавий-маърифий тадбирларнинг *йиллик тақвими* ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилиш учун тақдим этилди.

*Марказ фаолиятида ўзига хос янгилик:* “шахс — жамият — давлат — минтақа” кесимида янги мафкуравий мўлжалларни жорий этишга қаратилган 4 та лойиҳа офиси, яъни Янги миллий руҳиятни шакллантириш, Жамият бирдамлигини таъминлаш, Давлат халқчиллигини мустаҳкамлаш ва Минтақавий якдилликка эришиш бўйича лойиҳаларни мувофиқлаштириш бўлимлари ташкил этилди. Қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда турли йўналишда тайёрланаётган лойиҳалар ижтимоий фаолликни оширишга, дахлдорлик ҳиссини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Эътиборлиси, “Зиёлилар овози”, “Мамлакатимизда волонтёрлик фаолиятини ривожлантириш”, “Хизмат ва шахсий ҳаёт ўртасидаги маромийликни таъминлаш”, “Ишонч мактаби: ўз-ўзини баҳолаш ва ўзини ифода этиш кўникмаларини ривожлантириш”, ”Интизомлилик асослари: болаликдан бошлаб тарбия”, “Ота-оналар масъулияти: тарбия жараёнида фаол иштирок” каби лойиҳалар кенг жамоатчиликнинг фикрлари, таклифлари асосида тайёрланмоқда. Бу лойиҳалар ўз самарасини беради, деб ишонамиз.

Олдимизга улкан режа ва мақсадлар қўйилган. Демакки, мамлакат зиёлилари салоҳияти ҳамда ёшларнинг креатив ғояларига асосланган ҳолда Марказ ўз фаолиятини замонавий ёндашув, ўзига хос тарғибот усуллари билан юқори даражада давом эттиради.

**Отабек ҲАСАНОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари.**




## Танланган асарлар

*Атоқли болалар шоири, моҳир таржимон, пародиячи ва публицист Турсунбой Адашбоев номи кўпчиликка яхши таниш ҳамда унинг қаламидан тўкилган гўзал сатрлар аллақачон юракларга муҳрланган.*




Адиб таваллудининг 86 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашрга тайёрланган ушбу тўпламга унинг ижодий бисотидан саралаб олинган турли жанрдаги асарлари, шунингдек, у ҳақдаги эътироф ва ёдномалар киритилган.

Ишонамизки, тўплам ўқирманларга мароқли мутолаа онларини тақдим этиб, кўнглининг азиз мулкига айланади.

## Ҳижрон имтиҳони

*Таниқли шоир Икром Отамурод ўзбек шеъриятида ўзига хос ўринга эга шоирлардан бўлиб, шеър ва достонлари билан кўплаб шеърият мухлислари қалбини забт этган.*




У “Кангул” кенгликлари орқали инсон қалбидаги туйғулар жилвасига кишилар диққатини тортади. Шоирнинг ҳар бир шеърида қалбга яқин, дардга малҳам бўлувчи теран туйғулар бор. Унинг гўзал хаёлот олами ижодига лирик устуворлик бахш этган.

Шоирнинг ушбу янги китоби ҳам шеърсеварларнинг кўнглидан жой олиб, яқин ҳамроҳи бўлишига аминмиз.

## Вафо ҳайкали

*Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш навқирон ўғлидан жудо бўлган онаизор Зулфия Зокирова ҳақида, албатта, эшитгансиз. Бу матонатли аёл ва унинг жасур фарзандлари саргузаштлари асосида суратга олинган кўп қисмли “Илҳақ” бадиий фильмидан ҳам яхши хабардорсиз.*




Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан нашр этилган мазкур китобга Зулфия Зокирова шаънига битилган бадиий ва публицистик асарлар, ёдномалар жамланганки, улар азиз китобхонларни бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз.

## Бахт майдони




*Шоира ва журналист Хосият Бобомуродованинг ушбу китобидан шеърлар, достонлар, драмалар ва эсселар ўрин олган бўлиб, уларда Ватанга муҳаббат, садоқат, она ва аёл зотига эҳтиром туйғулари уфуриб туради.*

Самимий сатрларда афсонавий шаҳар — Самарқанд шаъни улуғланади, адолат ва эзгулик тараннум этилади.

Жамият ва одамлар қалби билан ҳамнафас ижодкорнинг бедор туйғулари, ҳис-туйғу ва кечинмалари ўқувчи юрагидан ўз ўрнини топишига тилакдошмиз.

**«Халқ сўзи».**

# ЧОРТОҚДА САЛОМАТЛИК ЙЎЛАКЛАРИ



*Чортоқ туманида йирик инфратузилмавий лойиҳа доирасида ҳудуддан оқиб ўтувчи Катта Наманган каналининг туман марказигача бўлган қисми бетон қопламаси билан мустаҳкамланиб, унинг атрофида аҳоли ва меҳмонлар учун замонавий дам олиш масканлари барпо этилмоқда.*

## ■ Бунёдкорлик

Айни жараёнда канал ёқаси бўйлаб пиёдалар учун қулай йўлаклар бўлиши, ўриндиқлар, энергиятежамкор ёритқичлар ўрнатилиши ҳамда кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган.

— Режадаги ишлар изчил амалга оширилмоқда, — дейди туман ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари Абдуазиз Рустамов. — Айни пайтда лойиҳанинг биринчи босқичи битказилиб, Чортоқ ва Янги Наманган туманларини боғловчи йўл четида 2,4 километр узунликда саломатлик йўлаклари барпо этилди. Бу ердаги пиёдалар ва велосипед йўлаклари, кўча бўйлаб қурилган савдо ҳамда маиший хизмат қурилмалари, болалар майдончалари қулай экологик муҳит яратиш баробарида ҳудуднинг сайёҳлик имкониятларини кенгайтиради.

Маълумот учун, юқоридаги лойиҳага кўра, саломатлик йўлаклари узунлиги 7,6 километрга етказилиб, умумий ҳисобда 20 млрд. сўмлик ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти жамоаси таниқли ёзувчи ва журналист Абулқосим Мамарасуловга умр йўлдоши

**Зулайҳо САТТОРОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) жамоаси агентликнинг Бухоро вилояти бўйича собиқ мухбири, фахрий журналист

**Эркин ЁДГОРОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Юртимизда Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳамда Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофотлар таъсис этилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6